Асқар Нигматов

# ЕР ҲУҚУҚИ



67.407 (5Ў)
Н-61

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

***Асқар Нигматов***

# ЕР ҲУҚУҚИ

***схемалар, тушунчалар ва рақамларда***

Ўқув қўлланма

«Тошкент ислом университети» — 2001

БИБЛИОТЕКА
ТГЛИ
338169

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-ридаги Тошкент ислом университети Ўқув-методик кенгаши томонидан маъқулланган.

**Нигматов А. Н.**

**Н61** Ер ҳуқуқи /*Ўқув қўлланма*.– Т.: "Тошкент ислом университети", 2001. - 224 б.

*Масъул муҳаррирлар:* **Бобоев Ҳ.Б.** – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ю.ф.д., профессор, **Қурбонов Э.Қ.** – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси.

Мазкур қўлланма Ер ҳуқуқи фанининг моҳиятини кўргазмали ҳолда ёритиб берувчи схемалар, тушунчалар ва рақамлардан иборат. Уни тузишда республикамизда тез шаклланиб бораётган миллий қонунчиликдан, хорижий мамлакатларнинг ерга оид муносабатларни тартибга солишдаги тажрибалари ва халқаро ҳуқуқий нормаларидан атрофлича фойдаланилган. Мавзулар Ер ҳуқуқи ўқув дастурига мос тартибда жойлаштирилган. Ҳар бир схемада ишлатилган юридик ибора ва атамалар тушунчаси ўша схемадан сўнг берилган. Қўлланма уч қисм, илова, ҳуқуқий манбалар ва адабиётлардан иборат бўлиб, русча вариантига нисбатан бироз қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган. Ундан ҳуқуқшунослар малакасини ошириш марказлари ёки институтларининг тингловчилари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган фан ва амалиёт ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар**: **Усмонов М.Б.** – ТДЮИ Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи кафедраси мудири, ю.ф.д.
**Страдзе А.А.** – ЎзР Ер ресурслари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.
**Аюбов У.Т.** – ЎзР Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ю.ф.н.

**Чоп этиш учун масъул** - **Азизов М.М.** – НТЦ "Ер сервис" директори, қ.ф.н.

1203021000-9
Н ------------------- 2001
00072(04)2001

**ББК 67.407(5У)**

© А. Н. Нигматов,
© "Тошкент ислом университети" нашриёти, 2001

# СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунининг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида кадрлар тайёрлашда демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ келадиган ўқув-методик мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш туради.

Истеъдодли олим А.Н.Нигматов томонидан ўзига хос равишда тайёрланган ушбу ўқув қўлланма, муаллифнинг худди шу йўналишдаги тўртинчи китобидир. Ушбу ҳуқуқ соҳаси мустақил Ўзбекистон учун тез суръатларда ривожланаётган ўқув фанлари туркумига киради. Афсуски, Ер тўғрисидаги қонун мустақил диёримизнинг биринчи қонунларидан, ер эса фуқароларимизнинг яшаш макони бўлса-да, ҳанузгача республикамизда Ер ҳуқуқига бағишланган давлат тилида дарсликлар чоп этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида ер захираларининг чекланганлиги ва сифат таркибининг пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бораётганлиги, айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, балки мамлакатимизнинг келажагини балгилаб берувчи омил эканлиги, шунинг учун ҳам ерларни муҳофаза қилиш, улардан ўта самарадорлик билан ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш замонамизнинг энг долзарб масаласи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қураётган Ўзбекистон Республикаси учун ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқи-

лона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини ишлаб чиқиш ва шу соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш биз, юристларнинг энг масъулиятли, шу билан бирга энг шарафли бурчимиздир.

Мазкур қўлланма орқали талабалар ердан оқилона фойдаланиш ва унинг муҳофазасига оид жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизи-ми, уларни ҳуқуқий бошқариш, назорат қилиш, кузатиб бориш ва кадастрлаш, ерни тасарруф қилиш, эгаллаш ва ижарага олишда келиб чиқадиган ерга оид ҳуқуқий муносбатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ушбу масала юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш ва ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби асосий масалаларни ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўлади. Бу фан соҳаси бўйича махсус адабиётлар ва ўқув дарсликларининг етишмаслиги сабабли схема, тушунча ва рақамлардан фойдаланилган ҳолда талабалар мунозара ва амалий машғулот дарсларига мустақил тайёрланишлари мумкин. Ўқув қўлланма Ер ҳуқуқи ўқув предметини ўқитишда техник воситалар ишлатишнинг таъминот таянчи ва баҳолашнинг рейтинг тизими бўйича тест саволларига жавоб топишнинг қулай имкониятларини очиб беради, деб ўйлаймиз.

Мазкур қўлланма Ер ҳуқуқи фанидан республикамизда ўзига хос кўринишда чоп этилган дастлабки китоб бўлганлиги учун ҳам мулоҳаза ва таклифларга муҳтож. Бу ҳақда Сиз, азиз китобхонлар, фикр ва мулоҳазаларингизни бизга, яъни Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-методик кенгашига юборишингиз мумкин.

**Ҳ. Б. Бобоев**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ю.ф.д., профессор*

**Э. Қ. Қурбонов**
*Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси*

# I ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕР ҲУҚУҚИ

Ер масаласи қадим-қадимлардан инсон ҳаётида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Чунки у кишиларнинг яшаш макони, иқтисодий базиси ва воситаси ҳамда экологик тизимларда турувчи табиатнинг ажралмас бир бўлагидир. Ўзбекистон Республикаси ер фонди 44,9 миллион гектарни ташкил қилса-да, унинг бор йўғи 10-15 фоизи халқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини юргазишда фаол иштирок этмоқда. Қуруқ иқлим шароитида жойлашган мамлакатимизда етиштирилаётган 93% дан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотини 4,3 миллион гектар суғориладиган ерлардан олинмоқда. Афсуски, мамлакатимизда сув ресурсларининг чекланганлиги ва қишлоқ хўжалик мақсадларида ерларни ўзлаштириш имконининг камлиги, лекин аҳоли сони ва кишиларнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг жадал суръатларда ўсиб бориши ҳар бир қарич ердан ўта самара-дорлик билан фойдаланишни, қимматли тупроқ-ларни эса атрофлича муҳофаза этишни талаб этади.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўзининг асосий стратегик мақсади қилиб олган Ўзбекистон учун ушбу долзарб муаммоларни ҳуқуқий йўллар орқали тартибга солиш давлат сиёсатида устувор масалалар тоифасига киргазилган.

Мазкур ўқув қўлланманинг биринчи қисмида айнан Ер ҳуқуқи фанига тааллуқли бўлган ерга оид ҳуқуқий муносабатларнинг умумий институтлари ва меъёрлари кўриб чиқилади. У республикамизда шаклланиб бораётган ер қонунчилиги манбаларининг сўнгги ютуқларидан атрофлича фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган. Унда халқ хўжалигида кенг амал қилина бошлаган, ерга оид муносабатларда ўз аксини топган бозор иқтисодиёти тамоиллари инобатга олинган.

Қўлланмада Ер ҳуқуқи ва унинг ўзига хос томонлари, предмети, мақсади, принциплари, тизими, манбалари, ерлардан фойдаланишда ва уларни муҳофаза қилишда келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар мазмуни, турлари, шакллари, ер низолари ва жавобгарлиги каби ҳуқуқ соҳасининг умумий қисмига тааллуқли бўлган барча масалалар схемалар, тушунчалар ва рақамлар асосида баён этилган.

## *1-схема.* Ўзбекистонда аҳоли сони ва суғориладиған ер майдони динамикаси

*Ер улкан бойлик бўлибгина қолмай,*
*мамлакатнинг келажагини белгилаб*
*берадиган омил ҳамдир.*

**И. А. Каримов**



*2-схема.* **Жон бошига тўғри келадиган экин майдони** (гектар ҳисобида)



**Ер** – турли фан соҳаларида турлича маънога эга. Масалан: *астрономияда* “Ер” – Қуёш атрофида айланувчи ва унинг тизимида учинчи бўлган сайёра; *географияда* “ер” – мазкур сайёранинг қуруқлик қисми; *қишлоқ хўжалигида* “ер” – сайёрамиз қуруқлик қисмининг энг юқори тупроқ қатлами; *экологияда* “ер” – ягона экологик тизимдаги майдон, рельеф ва тупроқларни қамраб олувчи атроф табиий муҳитнинг алоҳида бир қисми ёки компоненти; *юриспруденцияда* “ер” – тасарруф қилиш, эгаллаш ва фойдаланиш предмети ҳамда ижтимоий муносабатларнинг мустақил объекти сифатида қараладиган сайёрамиз қуруқлик қисмининг энг юқори қатлами; *техника соҳасида* “ер” – маълум бир турдаги халқ хўжалиги объектларини, иншоотларини қуриш ёки жойлаштириш учун мўлжалланган замин ҳисобланади.

**Суғориладиған ерлар** – ўсимлик дунёси сувга бўлган талабини қондириш орқали ҳосилдорликни ошириш ёки тупроқ мелиорацияси ва шўрланиш режимини тартибга солиш мақсадида тупроқларни сунъий равишда намлатишдан иборат. Суғориш *доимий* (йил бўйи ёки вегетатив) ва *лиманли* (суғориш усулига қараб) ҳамда сув беришга қараб *оқимли* ва *машинали* турларга ажратилади.

Ер кодексининг 44-моддасига мувофиқ суғориладиган ерларнинг *юридик маъноси* шундай – қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлардир.

**Аҳоли сонининг динамикаси** - аҳоли сони кўрсаткичларининг вақт ва майдон бўйича

даврий ўзгариши. Ўзбекитсонда 2000 йилга келиб 24,5 млн. киши яшамоқда. Аҳоли сонининг ўсиши бўйича эса сайёрамизда аҳоли тез суръатларда кўпаяётган минтақаларга киради.

**Суғориладиган ер майдони динамикаси** – суғориладиган ерларнинг республика умумий ер фондида вақт ва майдон бўйича даврий ўзгариши. 2000 йилга келиб Ўзбекистонда суғориладиган ер майдони 4,3 млн.га ёки ер фондининг 9,6 фоизини ташкил этган.

**Ҳар бир кишига тўғри келадиган суғориладиган ер майдони** – Ўзбекистон Республикасида яшовчи аҳолининг жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ўртача ер майдони. Булар қаторига – ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва ўтлоқзорлар киради. Ушбу рақам маълум бир даврдаги суғориладиган ер майдони кўрсаттичини республика аҳолиси сонига бўлиш орқали ҳисобланилади.

**Жон бошига тўғри келадиган экин майдони** – республикада яшовчи ҳар бир кишига тўғри келадиган маълум бир даврдаги экилган ер майдони (қишлоқ хўжалик экинлари экилган ёки мевали кўчатлар билан банд бўлган ерлар). Ўзбекистонда ушбу ерларнинг ўсиши кейинги 7-10 йил ичида кўпаймаётганининг асосий сабаби сув ресурсларининг чекланганлиги, янги ўзлаштирилиши мумкин бўлган тупроқларнинг ноқулай табиий шароитларда тарқалганлиги ва ноқишлоқ хўжалигига ажратиб берилаётган ерларнинг кўпайиб боришидир. Шунинг учун ҳам Президентмиз И. А Каримов айтганидек, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш шу даврнинг долзарб муаммоларидандир.

## *3-схема.* Ер муаммолари ва уларни ечиш йўллари

| *Муаммолар* | *Ечиш йўллари* | *Ҳуқуқий чоралар* |
|---|---|---|
| Нокишлоқ хўжалиги учун унумдор ерларнинг ажратилиши | Илмий асосланган ер тузиш ишлари, шаҳар ва саноат қурилишини интенсификациялаш ва ҳ.к. | Ерлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик меъёрларини кучайтириш |
| Ерларнинг техноген бузилиши | Техник, биологик, кимёвий рекультивациялаш ва ҳ.к. | Ерларни рекультивация қилишнинг ҳуқуқий механизмини яратиш ва ҳ.к. |
| Саҳроланиш жараёнидаги майдонларнинг кенгайиши | Тез ўзгарувчан динамик деҳқончилик тизимини яратиш ва ҳ.к. | Ерларни муҳофазалаш ва улардан фойдаланишни давлат мониторинги ва назоратини кучайтириш ва ҳ.к. |
| Ерларнинг ифлосланиши | Деҳқончилик маданияти, биологик усулларни кенг қўллаш ва ҳ.к. | Кенг қамровли ер экспертизасини ташкил қилиш ва ҳ.к. |
| Сув ва шамол эрозияси | Техник реконструкциялаш, тубдан мелиорация қилиш ва ҳ.к. | Шўрланган ерларни мелиорациясига доир рағбатлантириш меъёрларини жорий қилиш ва ҳ.к |
| Тупроқда чиринди миқдорининг камайиши | Тупроқ-сув муҳофазали деҳқончилик, ўрмон-гидро-агромелиорация ва ҳ.к | Тупроқ эрозиясига доир махсус фармон ва қарорларни қабул қилиш ва ҳ.к. |
| Дегумификация ва тупроқ тузилишининг бузилиши | Алмашлаб экиш, органик ўғитларни ишлатиш ва ҳ.к. | Жамоат ва давлат мониторинги ва назоратига доир меъёрларни кучайтириш ва ҳ.к. |
| Тупроқ қатламининг зичланиши | Қ/х ишлаб чиқаришини қайта техник жиҳозлаш, минимал ишлов бериш ва ҳ.к. | Қ/х ишлаб чиқариш ва унга чет эл капиталининг кириб келишига имкон берувчи имтиёзли ҳуқуқий базани яратиш ва ҳ.к. |
| Ерларнинг ботқоқланиши | Сув беришни меъёрлаш, техник реконструкциялаш ва ҳ.к. | Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликни кучайтириш ва ҳ.к. |

**Муаммо** – ҳал этишни талаб қиладиган назарий ёки амалий масала.

**Муаммоларни ечиш йўллари** – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, технологик, ҳуқуқий ва бошқа воситаларни танлаш ва қўллаш орқали бирон-бир муаммони ҳал қилиш усуллари ёки йўллари.

**Ҳуқуқий чоралар** – ҳуқуқий меъёрлар ва уларни амалий татбиқ этиш орқали жамиятдаги ижтимоий муносабатларда юзага келадиган муаммоларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ва йўллари.

**Унумдор ерлар** – ўрта ва юқори кадастр баҳосига эга бўлган маданийлаштирилган тупроқлар билан банд бўлган ерлар.

**Маданийлаштирилган тупроқлар** – ер усти қатлами-тупроқларни ўзлаштириш мобайнида уларнинг тузилиши, хосса ва хусусиятларининг ижобий томонга ўзгариш даражаси, яъни қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш йўлидаги инсон фаолиятининг мақсадли ҳаракати натижаси.

**Техноген бузилган ерлар** – технологик воситаларни қўллаш орқали табиий ресурсларни инсон томонидан ўзлаштириш натижасида бузилган ер фонди ҳудуди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, (А.Нигматов, 1996 й.) республикамизда 160 минг гектардан ошиқ ер майдони техноген бузилгандир.

**Саҳроланган (чўлланган) ҳудудлар** – маълум бир ер фонди ерларида саҳроларга (чўлларга) хос белгиларнинг намоён бўлиши, яъни иқлимнинг аридлашуви чуқурлашиб бориш жараёни. Йилига сайёрамизда 6 миллион гектар ер саҳроланиш жараёнига учрамоқда.

**Аридлашган ҳудудлар** – маълум бир майдонларда ҳаво ҳароратининг ошиши, унинг нис-

бий ва абсолют намлигини ҳамда ёгин миқдорининг камайиши натижасида иқлимнинг қуруқлашиши, яъни атмосферадан ёғадиган ёғин миқдорининг ер юзасидан бўлаётган буғланишга нисбатан камайиб бориши. Бундай тупроқларнинг сув режимидаги салбий ҳолати арид иқлим шароитидаги ҳудудларда оптимал ҳолатдаги ҳудудларга нисбатан аридлашганлик даражаси 10 баробардан ҳам юқори бўлиши мумкин.

**Ерларнинг ифлосланиши** – ерларга салбий таъсир килувчи ва уларга ёт бўлган физик, кимёвий ва биологик моддаларнинг қўшилиши. Унинг натижасида ер (тупроқ) ларда кечаётган табиий модда ва энергия алмашинувининг бузилиши оқибатида экотизимларда салбий ўзгаришлар юз беради. Ерларнинг ифлосланиши икки турда: *табиий* – вулканларнинг отилиши, ер қимирлаши, сел кетиши, цунамилар ва шунга ўхшаш табиий жараён ва ҳодисалар орқали ва *антропоген* – инсонларнинг хўжалик (тўғриротги, хўжасизларча) фаолияти натижасида юзага келиши мумкин.

**Ерларнинг шўрланиши** – ернинг энг устки тупроқ қатламида сувда тез эрувчан тузларнинг йиғилиши жараёни. Унинг оқибатида тупроқдаги фойдали микроорганизмлар қирилиб кетади ва ўсимлик дунёси эзилади. Бундай ҳолат *бирламчи шўрланиш* – тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар таркибида кальцийли, магнийли, сульфатли, натрийли, хлорли ва шунга ўхшаш тузларнинг бўлиши ва уларнинг буғланиши ҳамда биоген ва бошқа табиий жараёнлар орқали тузларнинг ер юзасида йиғилиши; *иккиламчи шўрланиш* – тупроқ сув режимини яхшилаш учун сунъий равишда ўзлаштириш (кўпинча суғориш) натижасида ернинг устки қатламида тузларнинг йиғилиб қолишидир. Ўзбекистонда

50 фоиздан ортиқ суғориладиган ерлар турли (паст, ўрта ва юқори) даражада шўрланган.

**Сув эрозияси (эрозия)** – вақтинчалик оқар сувларнинг оқими натижасида ер (тупроқ) ларнинг ювилиши ва емирилиши жараёни. Бундай сув оқимлари кучли ёмғирлар ёғиши, қорларнинг эриши, ер ости сувларининг сизиб чиқиши ва суғориш натижасида юзага келиши мумкин.

**Шамол эрозияси (дефляция)** – шамолнинг эсиши натижасида ер (тупроқ)нинг учирилиши. Йилига республикамизда шамол эрозияси натижасида пахта ҳосилининг 1/3 қисми йиғиштириб олинмайди. Умуман олганда, республика ер фондининг 30 миллион гектарга яқин майдони сув ва шамол эрозиясига учраган, улардан 700 минг гектари ирригацион (суғориш оқибатида юзага келадиган) эрозия, 150 минг гектари жарланган (емирилган) ҳудудлардан иборат.

**Дегумификация** – тупроқ таркибидаги органик модда (гумус) нинг жадал суръатларда парчаланиши (минерализациялашуви) жараёни натижасида ўсимликларга озуқа бўла олмайдиган минерал бирикмаларнинг ҳосил бўлиши. Бунинг оқибатида тупроқ таркиби ва тузилиши ҳамда унинг агрономик кўрсаткичлари (намланиши, сув ўтказувчанлиги, иссиқлик ушлаб туриши ва шунга ўхшаш физик, кимёвий ва биологик хосса ва хусусиятлари) салбий ўзгаради. Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиқ майдони гумус билан паст ва жуда паст даражада таъминланган. Кейинги 25-30 йил давомида гумус миқдори энг кўп тарқалган бўз тупроқларда 1/3 қисмга камайган. Бунинг олдини олиш учун эса алмашлаб экишни йўлга қўйиш, органик ўғитларни ерга кўплаб солиш сингари чораларни қўллаш керак.

**Ерларнинг рекультивацияси** – техноген бузилган ерларда тупроқ унумдорлиги, ер ҳолати

ва ўсимлик дунёсини тиклашга йўналтирилган тадбирлар тизими. Фан ва амалиётда қуйидаги ер рекультивацияси босқичлари мавжуд: *рекультувациянинг техник босқичи* – технологик усуллар (текислаш, тўлдириш)ни қўллаш орқали бузилган ерларни тиклаш; *рекультивациянинг кимёвий босқичи* – технологик усуллар орқали текисланган ерларда минерал ва органик ўғитлар солиш, турли агрокимё усулларни қўллаш орқали бузилган ерларни маданийлаштириш; *рекультивациянинг биологик босқичи* – техник ва кимёвий босқичлардан сўнг ўзлаштирилаётган майдонларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш ишларини олиб бориш.

**Тез ўзгарувчан динамик деҳқончилик тизими** – ер ресурслари, ижтимоий-иқтисодий ва атроф табиий-муҳит ҳолатига қараб тез ўзгарувчан (мослашувчан) деҳқончилик тизимини яратиш.

**Тупроқ-сув муҳофазаси деҳқончилиги** – қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш учун ер ва сув муҳофазасига йўналтирилган деҳқончилик усуллари ва йўллари.

**Деҳқончилик** – қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил олишнинг турли усул ва йўлларини ўрганадиган ва уларни амалий татбиқ этадиган фан (амалиёт) тармоғи.

**Тубдан мелиорациялаш** – гидро-ўрмон-агротехник мелиоратив (яхшилаш) усулларини қўллаш орқали қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мақсадлари учун ўзлаштирилган техноген, эрозияга учраган, кучли шўрланган, ботқоқланган ва шу каби салбий жараёнлар орқали бузилган ерларни тубдан яхшилашнинг комплекс чоралари.

*4-схема.* **Ер ҳуқуқи — мустақил ҳуқуқ соҳаси**



## *5-схема.* Ер ҳуқуқи предмети ва мақсади






338169

## *6-схема.* Ер ҳуқуқи тизими

**Ер ҳуқуқи тизими**

| *Умумий қисм* | *Алоҳида қисм* | *Махсус қисм* |
|---|---|---|
| ▪ Ер ҳуқуқи предмети, усули, тизими ва манбалари<br>▪ Ер муносабатлари<br>▪ Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи<br>▪ Ерларнинг ҳуқуқий ҳолати<br>▪ Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш<br>▪ Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш<br>▪ Ер процесси<br>▪ Ер қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик | **Ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳолати:**<br>▪ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар<br>▪ аҳоли пунктлари ерлари<br>▪ саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар<br>▪ табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекрация мақсадларига мўлжалланган ерлар<br>▪ тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар<br>▪ ўрмон фонди ерлари<br>▪ сув фонди ерлари<br>▪ захира ерлар | ▪ Хорижий мамлакатлар Ер ҳуқуқи<br>▪ Маълум бир халқаро ҳуқуқ субъекти юрисдикциясига кирмаган ёки унинг назоратида бўлмаган ерлардан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш |

**Ер ҳуқуқи** – ерга оид муносабатларни иқтисодий нуқтаи назардан ҳуқуқий тартибга соладиган мустақил ҳуқуқ соҳаси. Ерга оид ҳуқуқий муносбатлар мулкий, ишлаб чиқариш, экологик, иқтисодий, макон-базис ва шунга ўхшаш турли хил жиҳатлардан иборат бўлиши мумкин.

**Ер ҳуқуқининг ўзига хос томонлари** – фақат ушбу ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиб туришда мустақил мавжуд бўлган принцип (қоида), предмет, объект, методологияси ва татбиқ қилиш жойининг борлигидир. Масалан, ер Экология ҳуқуқининг алоҳида бир объекти бўлиши билан бирга кишилар хўжалик фаолиятининг макон-базиси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Ер ҳуқуқи Экология ҳуқуқидан фарқли ўлароқ ерларни маълум бир тоифаларга ажратади ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби билан бир қаторда уларни ҳуқуқий муҳофазалаш чораларини ишлаб чиқади ва амалга татбиқ қилади.

**Ер ҳуқуқининг предмети** – ҳуқуқий йўл билан тартибга солиб турилувчи ер муносабатлари, яъни иқтисодий характерга эга бўлган ерларни бўлиб бериш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни ер қонунчилиги нормалари орқали тартибга солишдир.

**Ер ҳуқуқининг мақсади** – ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш учун ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.

**Ер ҳуқуқи тизими** – ер муносабатларининг ўзига хос томонлари ва қонуниятларига қараб маълум бир тартибда жойлашган Ер ҳуқуқи

қисмлари ва институтлари мажмуи. Ер ҳуқуқи тизимини гўё "уй" деб тасаввур қилсак, унинг қисмлари "пойдевор", институтлари эса "ғишт"-ларидир.

**Ер ҳуқуқининг қисмлари** – Ерга оид ҳуқуқий муносабатларда аниқ масалаларнинг ечимини топишга қаратилган, аҳамияти ва таркибига қараб маълум бир тартибда жойлашган ҳуқуқ институтлари ва нормалари йиғиндиси.

**Биринчи (умумий) қисм** – маълум бир ҳуқуқий майдонда, яъни ер қонунчилиги нормаларининг таъсири доирасидаги аниқ бир объектда (масалан, Ўзбекистонда) Ер ҳуқуқи соҳасидаги турли ҳуқуқ институтларининг ва нормаларининг объектив бор бўлган боғлиқлиги ва умумийлигининг бирон-бир тартибда кўриб чиқилиши.

**Иккинчи (алоҳида) қисм** – Ўзбекистон Республикаси ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳолатини ифодаловчи ҳуқуқ институтлари бирон-бир тартибда кўриб чиқилиши.

**Учинчи (махсус) қисм** – давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши турлича бўлган хорижий мамлакатларнинг ерга оид муносабатларни тартибга солиш борасидаги ҳуқуқий институтлари ва нормаларини ҳамда аниқ бир халқаро ҳуқуқ субъекти юрисдикциясида ёки назоратида бўлмаган ерларнинг ҳуқуқий ҳолатини кўриб чиқилиши.

**Ер ҳуқуқи институтлари** – Ер ҳуқуқининг бирон-бир йўналиши ёки масаласининг ечимини топиш ва муайян бир турдаги ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

*7-схема.* **Ер ҳуқуқи принциплари**



**Ер ҳуқуқи принциплари** – *кенг маънода* ер бериш, ундан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишдаги кишиларнинг йўллантирувчи ҳаракат қоидалари, *тор маънода* ер қонунчилиги нормаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалий татбиқ қилишни таъминловчи ҳуқуқий қоида нормалари.

**Ерга нисбатан давлатнинг мулк ҳуқуқи** – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ ер, бошқа табиий бойликлар қатори, умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва ер давлат муҳофазасидадир. У мамлакатимиз халқининг ҳаётий фаолияти ва фаровонлигини белгиловчи асос ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ер кадексининг 16-моддасига биноан ер давлат мулки ва уни олди-сотди қилиш, алмаштириш, совға қилиш, қонунда кўрсатилмаган ҳолда гаровга қўйиш ман этилади.

**Кишилар ҳаётий фаолиятининг асоси ва энг муҳим табиий ресурс сифатида ерларни сақлаб қолиш** – ер инсонларнинг яшаш макони, хўжалик ва бошқа фаолият юргизишнинг базиси (усткуртмаси), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Ундан ташқари, ернинг экологик вазифаси органик ва ноорганик материяни боғловчи, органик моддаларни ноорганик моддаларга айлантириб берувчи ва шулар орқали экотизимда "санитар" вазифасини ўтовчи табиий объект ҳам ҳисобланади.

**Суғориладиган ерларни алоҳида муҳофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш** – Ўзбекистон Республикаси ер фондида суғориладиган ерлар бор-йўғи 10 фоизга яқин майдонни ташкил қилишига қарамай қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларининг 93 фоизини етказиб беради. Бизнинг тупроқларимиз (бўз, ўтлоқи, кулранг-қўнғир сингари) унумдорлик кўрсаткичлари бўйича қора тупроққа нисбатан бир неча бор паст бўлса-да, тўғри суғориш орқали кўпроқ ҳосил йиғиштириб олиш мумкин. Масалан, Россия Федерациясида бошоқли дон экинларидан ўртача гектаридан 20-27 центнер ҳосил йиғиштириб олинса, Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида донли экинларнинг ҳосилдорлиги гектаридан 100 центнерга етиши мумкин. Шу билан бирга, бўз ерларни суғориладиган майдонларга айлантириш, яъни суғориб деҳқончилик қилиш учун лалми ерларга нисбатан 3-4 баробар ва ундан кўпроқ капитал маблағ сарф қилишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ер қонунчилигида суғориладиган ерларни алоҳида бир эътибор билан муҳофазалаш, улардан оқилона ва ўта самарадорлик билан фойдаланиш талаб меъёрлари кўзда тутилган. Лекин бу нормаларни юзага келаётган объектив ҳолатга қараб доимо такомиллаштириб бориш, амалдаги қонунларга эса қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

**Ердан биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш** – табиий ресурслардан фойдаланиш қонунларининг асосий талабларидан бири табиий объектлардан ва шулар қатори ердан инсонларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондиришга қаратишдир. Ер эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши орқали инсонларга озиқ-овқат, кийим-бош учун хомашё маҳсулотларини етказиб беради. Шунинг учун Ер кодексининг 2-моддасида ер биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатилиши принципи белгиланган.

### *8-схема.* Ер ҳуқуқи усуллари



**Ер ҳуқуқи усуллари** – ер муносабатлари иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларига Ер ҳуқуқи нормалари орқали таъсир этиш йўллари.

**Ер муносабатларини тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усули** – ман қилувчи, мажбурловчи, олдини олувчи ва ваколатловчи нормаларни давлат ҳокимияти томонидан қўллаш орқали ер муносабатларини тартибга солиш йўли. Ушбу усул ер муносабатлари қатнашчилари, яъни бошқарувчи давлат ва итоат этувчилар (жамоат) нинг тенг бўлмаган ҳолатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

**Ер муносабатларини тартибга солишнинг фуқаровий-ҳуқуқий усули** – ер бериш, уларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда томонларнинг моддий (иқтисодий) манфаатларига асосланган усулларни қўллаш ва ер муносабати қатнашувчиларининг тенглигини таъминлаш орқали ер муносабатларини тартибга солиш йўли.

**Ер муносабатларини тартибга солишнинг аралаш усули** – ер муносабатларини тартибга солишда маъмурий-ҳуқуқий усул билан бир қаторда фукаровий-ҳуқуқий усулни қўллаш. Масалан, ер участкаларини тасарруф этиш давлат органлари ваколатига кирса-да, ундан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолиятини эркин юргизиши ҳамда ерга оид низоли масалаларни нафақат маъмурият томонидан, балки суд ва жамоат орқали ҳал қилиниши. ,

***9-схема.*** **Ер ҳуқуқи манбалари**



**Ер ҳуқуқи манбалари** – ер қонунчилиги тизими элементи бўлган, маълум бир ҳуқуқий макон, маълум бир вақт мобайнида ва маълум бир шахслар орасида ҳаракат қиладиган ҳамда белгиланган шаклда ва ваколати давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар йиғиндисидир. *Умумий маънода* эса Ер ҳуқуқи манбалари – ер муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йиғиндисидир.

**Ер ҳуқуқи манбаларининг тизими** – аниқ бир иерархияда турувчи (бир-биридан келиб чиқувчи) ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йиғиндиси.

**Конституциявий нормалар** – ер муносабатларини тартибга солиб турувчи, қонун ҳужжатларининг шу соҳа бўйича барчасига татбиқ қилинувчи ва олий юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий императив нормалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан мамлакатимиз фуқаролари қонунларда белгиланган тарзда мулк ҳуқуқига эгадирлар (36-модда) ва ўзларининг мулкларидан ўз хоҳишларича фойдаланишлари мумкин (54-модда), лекин улар ушбу ҳолатда атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар (50-модда). Ер бошқа табиий бойликлар сингари умуммиллий бойликдир (55-модда), уларни тасарруф қилиш эса ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади (93, 98, 100-моддалар).

**Ер ҳуқуқининг халқаро нормалари** – Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясида ёки назоратида бўлган, лекин халқаро ҳуқуқ нормалари (шартнома, конвенция, келишув, битимлар)да фойдаланиш ва муҳофаза қилиш меъёрлари кўрсатилган ҳамда ушбу ҳужжатлар республикамизнинг ваколатли шахси томонидан имзо-

ланган ва Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган нормалардир.

**Ер кодекси** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелда 1-чақирик IX сессиясида қабул қилинган қонунлар мажмуаси. Унинг асосий вазифалари – ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат (1-модда).

**Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари** – ер муносабатларини тартибга солиб турувчи, Олий Мажлис (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси) ва Жўқорғи Кенес (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддаси) томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар. Аммо Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ўз ҳудудида татбиқ қилинади ва улар Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигига зид бўлмаслиги керак.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва қарорлари** – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига мувофиқ, унинг Президенти давлат бошлиги ва ижро этувчи орган раиси сифатида фармон ва фармойишлар беришга ҳамда қарорлар қабул қилишга ваколатланган ва ушбу ҳужжатлар республикамизнинг барча ҳудудларида мажбурий бажарилиш кучига эга. Шунинг

учун ҳам ушбу қонун кучидаги меъёрий ҳужжатлар ерга оид қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг оғишмай ва аниқ бажарилишида жуда катта аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва йўриқномалари** – ушбу ижро этувчи давлат органи томонидан қабул қилинган ва ер ҳуқуқи муносабатларининг барча иштирокчилари (субъектлари) томонидан ижро этилиши керак бўлган ва ерга оид конун ҳамда Президент фармонларини муфассаллаштирадиган қонун кучидаги меъёрий ҳужжатлардир.

**Маҳаллий давлат органларининг меъёрий ҳужжатлари** – вилоят, туман ва шаҳар ҳудуди доирасида ер муносабатларини тартибга солиб турувчи давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва йўриқномалари. Конституциянинг 100-моддасига биноан улар ўзларига тегишли ҳудудларда ва ваколатлари доирасида ер муносабатларини тартибга солишдаги барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш орқали ерга оид қонунлар, фармонлар ва қарорларни ушбу ҳудудларда татбиқ қилишга улкан ҳисса қўшади.

**Ер сифати ва ундан фойдаланиш меъёрлари** – ерга инсон хўжалик фаолиятининг физик, кимёвий ва биологик таъсир кўрсатишнинг максимал ёки минимал меъёрларни белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатлар. Уларга: ЕИЧ (ПДК) – ерларни ифлослантиришнинг энг юқори чегараси, ЕИД (ПДУ) – ерни ишлатишнинг энг юқори даражаси, ЕКММ (ПДХВ) – ерларга кимёвий моддаларни ишлатишнинг энг юқори миқдори, бонитировка, кадастр ва ернинг нарх баҳоси кўрсаткичлари бўйича қабул қилинган ҳужжатлар киради. Улар, албатта, Ўзбеситон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган бўлсагина юридик кучга эга бўлади.

**10-схема. Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар**



**Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар** – ер бериш, уни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш юзасидан давлат органлари, юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) ўртасида келиб чиқадиган ер ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий муносабат тури.

**Ерга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари** – ерга оид ҳуқуқий муносабатлар қатнашувчилари – давлат органлари, юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар). Ер кодекси (16-38-моддалар)ига мувофиқ ушбу қатнашчилар: *давлат* – Ўзбекистон Республикаси ер фондининг мулкдори сифатида ўзининг умумий ва махсус ваколатли органлари орқали ер муносабатларини тартибга солиб туради ва ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга эгаллаш, фойдаланиш, ижарага ёки ашёвий мулк сифатида беради; *юридик шахслар* – мулк ҳуқуқи, эгаллаш, фойдаланиш ва ижара асосида давлатнинг махсус ваколатли органларидан олинган ер участкасига ўз мажбуриятларига биноан жавобгар бўлган, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган, судда даъво билан чиқиш ва жавобгар бўлиш, банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлган шахслар; *фуқаролар* – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий мамлакатлар фуқаро-

лари ва фукаролиги бўлмаган жисмоний шахслардир (Фуқаролик кодексининг 16-моддаси).

**Ерга оид ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари** – фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши ер ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солинадиган маълум бир ер фонди ёки ер участкаси.

**Ерга оид ҳуқуқий муносбатларни давлат томонидан тартибга солиш** – ер бериш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда келиб чиқадиган ерга оид ҳуқукий муносбатларни тартибга солишдаги умумий ва махсус ваколатли давлат органларининг фаолияти.

Республикамизнинг бутун ижтимоий ҳаётини бозор муносабатларига ўтишида давлат – бош ислоҳотчидир (И.А.Каримов, 1997). Шунинг учун ҳам халқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва унинг ҳар бир соҳасини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишини таъминлаш учун ер муносабатларини давлат томонидан қаттиқ назорат этиш ва тартибга солиш кераклигини асло инкор қилиб бўлмайди. Давлатнинг бундай тартибга солиш вазифасини амалга ошириш ердан фойдаланишнинг санитария ва ветеринария қоидаларини, ер ва атроф табиий-муҳитни муҳофаза қилиш кўрсатмаларини, ерга оид ҳуқуқий чеклашларни, фармойишларни ва сервитутлар-

ни қабул қилиши ва амалиётга татбиқ қилиши керак бўлади.

**Ерга оид ҳуқуқий муносбатларни тасниф-лаш (классификациялаш)** - ерга оид ҳуқуқий муносбатларни маълум бир белгиларига, масалан, *халқ хўжалигида ердан фойдаланишга қараб* – қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, саноат, транспорт каби махсус мақсадлардаги ер тоифаларига; *субъектларига қараб* – қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), деҳқон ва фермер хўжаликлари, ижарачилар, фуқаролар ер участкаларига; *функционал мақсадларга қараб* – тартибга солувчи, табиатни муҳофаза қилувчи ва шу кабиларга; *моддий ва процессуал нормаларга қараб* – ер участкаларини олиш ҳуқуқи, тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш мажбуриятлари, қўшни ер участкаларининг манфаатларини бузмаслик, ер бериш тўғрисида ариза, талабнома ва илтимосномаларнинг тартиби кабиларга; *ўзаро мажбуриятларига қараб* – шартномали фойдаланиш, шерикчилик, низоларни суд ёки маъмурий йўллар билан кўриб чиқиш кабиларга гуруҳлаштириш.

### *11-схема.* Ерга оид ҳуқуқий муносабатларнинг элементлари



## *12-схема.* **Ерга оид ҳуқуқий нормалар**



**Бўлинадиган ер участкаси** – фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнгинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бўлиш амалга оширилгандан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси (Ер кодексининг 10-модда, 4-банди).

**Бўлинмайдиган ер участкаси** – фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси (Ер кодексининг 10-модда, 5-банди).

**Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар мазмуни** – ерга оид ҳуқуқий муносбат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси.

**Ерга оид ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқлари** – ерга оид ҳуқуқий муносбат қатнашчиларининг ер қонун ҳужжатларида белгиланган амалга ошириши мумкин бўлган (эҳтимол тутилган) хатти-ҳаракатлари.

**Ерга оид ҳуқуқий муносабат субъектларининг мажбуриятлари** – ўзга шахс субъектив ҳуқуқларини инкор этмайдиган ва уларга мос келувчи, аниқ бир ерги оид ҳуқуқий муносабат

қатнашчиларининг амалга ошириши керак бўлган (эҳтимол тутилган) хатти-ҳаракатлар тури ва миқдори.

**Ерга оид ҳуқуқий нормаларнинг тузилиши** – ерга оид ҳуқуқий нормаларнинг ички мазмунига қараб ажратилиши. Улар қуйидаги тузилишга эга: *гипотеза* – ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракат шартларини ифодаловчи нормалар; *диспозиция* – гипотезали нормаларда кўрсатилган ҳолат ва шартлар мавжуд бўлган тарзда ерга оид ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳаракатларини кўрсатувчи нормалар; *санкция* – ер қонун ҳужжатларини бузувчиларга нисбатан қўлланувчи чораларни белгиловчи ҳуқуқий муҳофаза нормалари.

**Ер-ҳуқуқий нормалар таърифи** – ер қонунчилигини тартибга солиш ва ҳуқуқий муҳофаза вазифаларини кучайтириш мақсадидаги ҳуқуқий кўрсатма нормаларини ёзиш йўллари. Улар: *мажбурловчи (императив)* – маълум бир жадал ҳаракатларни бажариш мажбуриятларини эълон қилувчи нормалар; *тақиқловчи* – маълум бир ҳаракатларни содир этишни ман қилувчи нормалар; *ваколатловчи* – ер муносабати қатнашчиларига у ёки бу ҳаракатлар ҳуқуқини берувчи нормалар; *ҳуқуқни тикловчи* – ер муно-

сабати иштирокчиларининг ҳуқуқини тиклашга қаратилган нормалар; *муҳофазаловчи* – ерга оид ҳуқуқий муносбатларда қатнашувчи субъектларга етказилган зарарни қоплашга ва бошқа ўрнатилган ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган нормалардан иборат.

**Ерга оид ҳуқуқий нормалар жараёни** – ерга оид қонунларнинг ҳаракат жараёнларини белгиловчи нормаларнинг ички элементлари. Ерга оид ҳуқуқий жараёнлар қуйидаги элементлардан иборат: *пайдо бўлиши* – ерга оид ҳуқуқий муносабат субъектларига ер участкаларини бериш; *ўзгариши* – ердан фойдаланиш давомида вужудга келган сиёсий, иқтисодий, экологик, демографик шароитларни ёки ҳуқуқ нормаларининг ўзгариши натижасида ерга оид ҳуқуқий муносабатларнинг ҳолати мақомлари ёки бошқа унинг элементларининг ўзгариши; *бекор қилиниши* – ерга оид ҳуқуқий муносбатларда томонларнинг қонуний ёки ноқонуний ҳаракатлари натижасида жисмоний ва юридик шахсларни аниқ бир ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши.

### *13-схема.* Ерга оид ҳуқуқий муносбат объектлари




| № к/к | Ер участкасининг зарурий ҳуқуқий элементлари |
|---|---|
| 1. | Қайд этилган чегараси |
| 2. | Майдони |
| 3. | Жойлашган ери |
| 4. | Ҳуқуқий ҳолати |
| 5. | Рўйхати |
| 6. | Давлат реестри |
| 7. | Давлат кадастри |
| 8. | Ваколатли давлат органи қарори |
| 9. | Қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар |

**Ер участкаси** – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий ҳолатига ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми (Ер кодексининг 10-моддаси, 1-банди).

**Ер участкасининг қайд этилган чегараси** – режаларда (чизмаларда) қайд этилган ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланган ер участкасининг чегараси.

**Ер участкасининг майдони** – натурада (жойнинг ўзида) чегараси белгилангандан сўнг аниқланган ер участкасининг (кўпинча гектарда берилган) майдони.

**Ер участкасининг жойлашган манзили** – режа (чизма)да қайд этилган ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланган ҳамда давлат рўйхатида кўрсатилган ер участкасининг жойлашган манзили.

**Ер участкасининг ҳуқуқий ҳолати** – ерга оид қонун ҳужжатларининг нормаларига биноан

белгиланган ер участкасини эгаллаш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тартиби.

**Ер участкасининг рўйхати** – ер учаскасини давлат рўйхатидан ўтказиш даврида керак бўладиган маълумотлар йиғиндиси.

**Давлат реестри** – махсус ваколатли давлат бошқарув органлари (Ер ресурслари давлат қўмитаси ва унинг бўлинмалари) томонидан олиб бориладиган ердан фойдаланувчилар рўйхати ва уларнинг ер участкалари ҳақидаги ахборотловчи маълумотлари.

**Ваколатли давлат органларининг қарори** – юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг ер участкасидан фойдаланиш, эгаллаш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи сифатида бериш предмети бўлган давлат ҳокимияти органининг ҳужжати.

## *14-схема.* Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар мазмуни

### *Ер участкасидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари*

#### ҲУҚУҚЛАРИ

- Мустақил хўжалик юритиш
- Экин, кўчат ва маҳсулотларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиш
- Мақсадли фойдаланиш
- Суғориш ва захини қочириш ишлари, агротехник ва бошқа мелиоратив ишларни олиб бориш
- Белгиланган мақсадга ва лойиҳага биноан уй-жой ва бошқа зарурий иншоотлар қуриш
- Олиб қўйилган ёки ихтиёрий равишда воз кечилган тақдирда етказилган зарарни ва сарфланган харажатларни ундириб олишни талаб қилиш
- Вақтинчалик фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш
- Кредит олиш учун қонунда белгиланган тарзда гаровга қўйиш
- Ер қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин

#### МАЖБУРИЯТЛАРИ

- Оқилона фойдаланиш
- Ерни ва экологик тизимларни муҳофаза қилиш чораларини қўллаш
- Суғориш (ирригация) ва мелиорация тармоқларини, инженерлик коммуникацияларини яроқли ҳолатда сақлаш
- Ер ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш
- Ўзга ер эгаларининг ҳуқуқларини бузмаслик
- Қўшни ҳудуд ва экинзорларга салбий таъсир этувчи тадбирларни бартараф қилиш ёки чеклаш
- Ердан фойдаланишга оид маълумотларни ўз вақтида ҳокимиятларга тақдим қилиш
- Ўзга Ер ҳуқуқи субъектларига етказилган зарарни қоплаш
- Ерларни ишлатишга яроқли ҳолатда қайтариш
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи** – давлат ёки у ваколат берган органлар томонидан белгиланган, меъёрланган ва ўрнатилган, ердан иқтисодий маънода фойдаланиш, унинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш жараёнида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

*Ердан фойдаланиш ҳуқуқини:*

- ер ҳуқуқининг мустақил институти сифатида;
- ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси сифатида;
- ердан фойдаланувчиларнинг субъектив ҳуқуқ ваколатини амалга ошириш механизмини, уларни амалиётда қўллаш жараёнини ўзида мужассамлаштирувчи ҳуқуқий муносабат сифатида тушуниш мумкин.

*Ердан фойжаланиш ҳуқуқини тор маънода* юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун нормаларида белгиланган тартибда ер бериш орқали вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси мисолида тушуниш мумкин.

*Ердан фойдаланиш ҳуқуқини кенг маънода* унинг табиий ҳуқуқлар тоифасига тааллуқли эканлиги, яъни бу ҳуқуқ инсон туғилган найтдан эътиборан, у билан бирга вужудга келишини эътироф этишдир. Шунингдек, бу ҳуқуқ фуқароларга ваколатли давлат органлари томонидан берилиши ҳам мумкин. Ушбу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва унинг асосида кенгайтирилган ва аниқлаштирилган ер қонун ҳужжатлари меъёрларида ўз аксини топган. Ер кодексининг 39-моддасига му-

вофиқ юқорида айтиб ўтилган субъектлар ер участкасида мустақил хўжалик юритиш, уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, суғориш учун сув олиш, ер мелиорацияси учун давлат субсидиясидан ва кредитларидан фойдаланиш қонунларда кўрсатилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**Ердан фойдаланиш мажбуриятлари** – Ер қонун ҳужжатлари (масалан, Ер кодексининг 40-моддаси)да белгиланган нормаларга биноан ердан фойдаланувчилар, ер эгалари, ижарачилар мулкдорларнинг ўзига бириктирилган ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ердан фойдаланганлик ва уни ифлослантирганлик учун тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш ҳамда бошқа ички ва ташқи тартиб талабларини бажариш юзасидан келиб чиқадиган бурчлари.

**Ердан фойдаланиш лимитлари** – ерга оид ҳуқуқий муносбат субъектларига, уларни хўжалик ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ер участкасининг майдонини маҳаллий иқтисодий, ижтимоий, демографик, экологик шароитларга қараб *чекланган миқдорда ажратиб берилиши.* Масалан, суғориладиган ерларда деҳқон хўжалигини юритиш учун 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача, чўл ва саҳро минтақасидаги лалмикор ерларда 1 гектаргача бўлган ўлчамда берилиши мумкин (Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси).

**Ерларнинг ҳуқуқий ҳолати** – маълум бир Ер ҳуқуқи объектида ер муносабатларини ер қонунчилиги асосида тартибга солиш тизими.

**Ерлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати элементлари** – ер муносабатлари тизимини тартибга солишни белгиловчи ер ҳуқуқий омиллар мажмуаси.

**Ер муносабатлари объектининг мақомини белгилаш** – ерларни умумий ва алоҳида ҳуқуқий мақомли объектларга ажратиш. Умумий ҳуқуқий мақомга эга бўлган ерларга Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси ичидаги барча ерлар киради. Улар оддий, чегара ва республикалараро ерларга ажратилади. Марказий Осиё давлатлари ўртасида тузилган халқаро шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида республикалараро фойдаланиш мақомидаги ерларнинг умумий майдони 505,5 минг гектарни ташкил этади, шулардан Тожикистон – 1,3 минг гектар, Туркманистон – 500 минг гектар, Қирғизистон – 0,3 минг гектар, Қозоғистон – 2,9 минг гектаридан фойдаланадилар. Ўзбекистонда эса Тожикистон ерларидан 1 минг гектар, Туркманистон ерларидан 17,9 минг гектар, яъни 18,9 минг гектар қўшни республикалар ерларидан фойдаланилади.

**Давлатнинг тартибга солиш вазифасини белгилаш** – умумий ва махсус бошқарув давлат органларини, уларнинг ваколатларига қараб ер муносабатларини тартибга солишдаги вазифаларини аниқлаштириш.

**Ер ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари (субъектлари)ни белгилаш** – маълум бир Ер ҳуқуки объекти учун ўрнатилган ҳуқуқий ҳолат тартибига риоя этувчи ер муносабати қатнашувчиларини аниқлаштириш.

**Субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш** – маълум бир Ер ҳуқуқи объекти учун ўрнатилган ҳуқуқий ҳолат тартибини амалга оширишда ер муносабати қатнашувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини аниқлаштириш. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар ер участкасидан фойдаланиш мақсади (масалан, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш), ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг тарихан келиб чиққан анъаналари (масалан, Томди ёки Нурота туманларидаги аҳолининг тарихий анъаналари – яйлов чорвачилиги эканлигини инобатга олиш), ерларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда юзага келган мавжуд сиёсий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий шароитлар (масалан, ушбу ер участкаси жойлашган ҳудуднинг экологик, ҳарбий-сиёсий ва шунга ўхшаш фавқулоддаги тегралар деб эълон қилиниши)ни инобатга олган ҳолда белгиланади.

**Ҳуқуқий чораларнинг мавжудлиги** – ер участкасининг ҳуқуқий ҳолатини муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий чораларни, яъни ҳуқуқий механизмдаги кафиллик меъёрларини белгилаш. Масалан, маълум бир ер тоифасидаги ер участкасида ҳуқуқбузарликларга нисбатан юридик жавобгарликни ўрнатиш, келтирилган зарарни қоплаш ва ҳуқуқбузарликларни бартараф қилишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш.

## *15-схема.* Ерларнинг ҳуқуқий ҳолати

**Ерлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати элементлари**

- Ерларнинг чегараси ва мақомини аниқлаш
  - *Умумий ҳуқуқий ҳолатли объект*
  - *Алоҳида ҳуқуқий ҳолатли объект*
- Ерга оид ҳуқуқий муносабат субъектларини аниқлаш
  - *Ер участкасидан ижара мақсадларида фойдаланувчи шахслар*
  - *Ер участкачидан фойдаланмайдиган, лекин унинг ҳуқуқий ҳолатига риоя қилувчи шахслар*
- Ҳуқуқий чораларнинг мавжудлиги:
  - *юридик жавобгарлик*
  - *ҳуқуқий механизм*
    - *ерларнинг ҳуқуқий ҳолатини тиклаш*
    - *ҳуқуқ бузарликларни бартараф қилиш*
- Давлатнинг тартибга солиш функциясини белгилаш
  - *Умумий ваколатли органлар ҳуқуқи*
  - *Махсус ваколатли органлар ҳуқуқи*
- Ерга оид ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, қайсики боғлиқ бўлади:
  - *фойдаланиш мақсадларига қараб*
  - *ер муносабатлари субъектларига қараб*
  - *ерлардан тарихий анъаналарига қараб фойдаланиш*
  - *маҳаллий ижтимоий иқтисодий шароитга қараб фойдаланиш*

**_16-схема._ Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи**



**Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи** – давлат ёки шахснинг ўзига тегишли бўлган мулкидан (ер тоифаси ёки ер участкасидан) ўз хоҳишича ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқи ҳамда ушбу қонуний ҳуқуқларининг ким томонидан бузилишидан қатъи назар бартараф қилинишини талаб қилишидир (Фуқаролик кодексининг 164-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддаси ва Ер кодексининг 16-моддасига мувофиқ ер умумиллий бойлик – давлат мулкидир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди.

**Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи турлари** – ер муносабатлари қатнашчиларининг ташқи шароитлардан келиб чиқадиган жараён бўлиб, унинг элементларининг ўзаро алоқадорлиги ва ташкил этиш йўлларини белгилаб берувчи ер мулкчилигининг ички манбалари.

**Ерларни эгаллаш** – қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ўз хўжалик ва бошқа

фаолият олиб бориш имконини берувчи давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер тоифаси ёки участкасининг ҳақиқий эгаси бўлиши. Лекин ушбу эгалик доимо ҳам ердан фойдаланиш деган сўз эмас. Масалан, Ер кодексининг 49-моддасига биноан, қишлоқ хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларига доимий фойдаланишга берилган ер участкасини муддатли фойдаланиш учун ёки ижарага бошқа қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларга беришлари мумкин.

**Ер участкасидан фойдаланиш** – хўжалик ва бошқа мақсадларда юридик ва жисмоний шахсларга ер участкасининг фойдаланиш учун берилиши. Ер ҳуқуқида ер участкасидан фойдаланиш: *бирламчи фойдаланиш* – ер участкасини давлатдан эгаллаш билан бир қаторда фойдаланиш учун олиниши; *иккиламчи фойдаланиш* – ер участкасини эгаллаб турувчидан фойдаланиш учун олиниши кўринишида бўлиши мумкин.

## *Ерга оид муносабат субъектларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқлари*

| *Мулк* | *Умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш* | *Доимий эгалик қилиш* | *Доимий ва муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш* | *Биргаликда эгаллаб туриш* | *Ижара* |
|---|---|---|---|---|---|
| Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг жойлашган ерига | Деҳқон хўжалигига | Корхона, ташкилот ва муассасаларга к/х ва ўрмон хўж. юритишга | ЎзР фукароларига | Тақсимлаш имконияти бўлмаганда юридик ва жисмоний шахсларга | ЎзР фукароларига |
| Дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар иморатлари ва уларнинг қисмлари реализация қилинган ерига | Якка тартибда уй-жой қуриш ва уни ободонлаштиришга | Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда | Саноат, транспорт ва бошқа мақсадлардаги ноқишлоқ хўж. корхона, ташкилот ва муассасаларига | | Юрид шахсларга |
| Чет эл юрид ва жисм шахсларга уй-жой бинолари жойлашган ер участкалари реализация қилинган ерига | Жамоа богдорчилиги ва узумчилигига | | Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа субъектларга | | Қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмаларга |
| | Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа субъектларга | | | | Чет эл жисмоний ва юридик шахсларига |
| | | | | | Қишлоқ хўж. маҳсул. ишлаб чиқарувчиларга |

**Ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи** – ер муносабатлари қатнашчиларининг (субъектларининг) ер участкаларини ашёвий ҳуқуқ сифатида уларнинг мулкига айланиши, яъни:

*Юридик ва жисмоний шахсларнинг* ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи *савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг* жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганида.

*Дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотларнинг* ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи ваколатхона сифатида фойдаланаётган *иморат* ва *иморатнинг қисмлари*, шунингдек, *ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи, улар жойлашган ер участкалари билан бирга,* шунингдек, *мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун берилган ер участкалари.*

*Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига*, яъни – дипломатия корнусининг ходимлари, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакиллар, фирмалар, компаниялар, халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек, республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг

*уй-жой бинолари жойлашган ер участкалари* билан бирга реализация қилинганда вужудга келади.

Юқорида номлари олинган субъектларга ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади (Ер кодексининг 18-моддаси).

**Ер участкаларига нисбатан ашёвий ҳуқуқ** – ер участкаларини давлат томонидан юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш, умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш, доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳамда сервитут ҳуқуқи билан берилиши (Фуқаролик кодексининг 165-моддаси). Ашёвий ҳуқуқ шартнома қоидалари билан эмас, балки қонун нормаларига биноан келиб чиқади ва ер участкаси таъсир доирасидаги шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

**Ер участкасини эгаллаш ва фойдаланишга берилиши (реализация қилиниши)** – давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаларини ажратиш, уларнинг жойида чегараларини белгилаш ҳамда эгаллаш ва фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни топшириш жараёни.

**Ер участкасидан муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш** – ер қонунчилигига биноан ер участкасидан маълум бир муддатга эгаллаш ва вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқини олиш. Ер кодексининг 20-моддасига мувофиқ вақтинчалик

фойдаланиш *қисқа муддатли* – 3 йилгача ва *узоқ муддатли* – 3 йилдан 10 йилгача бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалик корхона, ташкилот ва муассасаларга ҳамда яйлов чорвачилигини олиб бориш учун 25 йилгача бўлган муддатта ер участкаси берилиши мумкин.

**Ер участкасига биргаликда эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш** – ер участкасини мақсадли фойдаланиш нуқтаи назардан ва бўлиш имконияти бўлмаган ҳолатда икки ва ундан ортиқ ер муносабатлари субъектлари орасида эгаллаш ва фойдаланиш ҳуқуқи.

**Ер ижараси** – ижара шартномаси шартларига биноан ер участкаларидан муддатли ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасини ижарага бериш туман ва шаҳар ҳокими томонидан юридик ва жисмоний шахсларга, Вазирлар Маҳкамаси томонидан эса чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эл юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкасини ички хўжалик ижараси таркибида фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш учун ижарачиларга бириктириб қўйишлари мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ва унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади (Ер кодексининг 24-моддаси).

## *18-схема.* Ер участкасини сақлаш

**Ер участкасини сақлаш йўллари**

*Левая сторона:*

- *Асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни тақиқлаш*
- *Белгиланган тартибда келишувсиз кўчмас мол-мулкнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни, иморат, бино, иншоотни реконструкция қилиш ёки бузишни тақиқлаш*
- *Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ирригация ва мелиорация тизимларини соз ҳолатда сақлаш чора тадбирларини амалга ошириш*
- *Қурилиш ва ўзлаштиришни белгиланган муддатларда бошлаш ва тугатиш*

*Правая сторона:*

- *Сотиш ва ўзгача тарзда бошқаларга ўтказишни тақиқлаш*
- *Иккиламчи ижарага, ёрдамчи пудратга ва ижарага беришни тақиқлаш*
- *Фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш*
- *Табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан:*
  - *тупроқ қатламини сақлаш;*
  - *ноёб ўсимликларни асраш;*
  - *табиат, тарих ва маданиятга тааллуқли давлат ёдгорликларини асраш*
- *Қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар, чеклашлар ёки шартлар билан ҳам таъминланиши мумкин*

### *19-схема.* Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут)



**Ер участкасини сақлаш** – ер қонунчилигига биноан ер участкасини маълум бир хўжалик чораларини кўриш ёки тақиқлаш орқали сақлаб қолиш. Ер кодексининг 29-моддасига мувофиқ ер участкасини сақлаш чоралари унинг ҳуқуқий мақомига киритилади, давлат рўйхатидан ўтади ва ушбу ер участкаси бир фойдаланувчидан иккинчисига ўтган тақдирда ҳам сақланиб қолади.

**Ер участкасини сотишни тақиқлаш** – олди-сотди шартномасига биноан бир шахсдан иккинчи бир шахсга ер участкасини мулк сифатида сотмаслик мажбурияти. Фуқаролик кодексининг 274-моддасига мувофиқ агарда мулкдор ер участкасини гаровга берган бўлса, гаров муддати ўтмасдан туриб уни сотиш ҳуқуқига эга эмас.

**Ер участкасида айрим хўжалик ва бошқа фаолиятни тақиқлаш** – ерга оид ҳуқуқий муносбат субъектларини ер участкасида ер қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хўжалик ва бошқа фаолият юргизишларини ман қилиниши, яъни давлат ва жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа манфаатларини инобатга олган ҳолда ер участкасидан фойдаланувчиларнинг айрим хўжалик ва бошқа фаолиятларининг чекланиши.

**Ер участкасини иккиламчи ижарага беришни тақиқлаш** – ижарага олинган ер участкасини ижарачи томонидан ижарага берилишини тақиқлаш. Ижара тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасига биноан ижарачи иккиламчи ижарага ер участкасини бериши ман қилинади.

**Асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни тақиқлаш** – ер муносабат субъектларининг ер участкасидан хўжалик ва бошқа фаолиятларини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тарзда фойдаланишни ман қилиш. Масалан, Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришлари учун ажратиб берилган ер участкаларида уй-жой қуриш ёки уларни ободонлаштиришга қаратилган ишларни олиб бориш ман қилинади.

**Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш тадбирларини амалга ошириш** – ер участкасида тупроқ унумдорлигини йўқотиш ва камайтиришга олиб борувчи хўжалик ва бошқа фаолиятни ер муносабатлари субъектлари томонидан олиб боришни тақиқлаш. "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига биноан ер ости минерал бойликларидан фойдаланувчилар атроф табиий муҳит ҳолатини сақлашлари ва ернинг устки тупроқ қатламини бир жойга йи-

ғишлари (концервация қилишлари) ва минерал бойликдан фойдаланилгандан сўнг рекультивация қилинаётган майдонга йиғилган тупроқни ётқизиш ишларини олиб бориш талаблари белгиланган.

**Сервитут** – ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш. Ер кодексининг 30-моддасига мувофиқ сервитут ҳуқуқи қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш имкониятини беради. Уларга: ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш, ер шўрини ювиш ва захини қочириш учун ёпиқ ёки очиқ турдаги дренажларни ўтказиш, экинларни суғориш ёки молларга сув беришни амалга ошириш учун ариқ, қувур ёки бошқа ирригацион тармоқларни ўтказиш, илмий-текшириш ёки геологик қидирув каби тадқиқот ишларини олиб бориш каби фаолият турлари киради.

Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ, келишувга эришлмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарорига биноан белгиланади (Ер кодексининг 30-моддаси).

**20-схема. Ер муносабати субъектларининг ҳуқуқларини муҳофазалаш ва кафолатлаш**

**Ер участкасига бўлган ҳуқуқини кафолатлаш**

| | |
|---|---|
| Ер муносабатлари субъектлари фаолиятига аралашиш, фақатгина қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари | *ман қилинади* |
| Бузилган ҳуқуқлар | *тикланади* |
| Ҳуқуқларини бузиш натижасида келтирилган зарар тўлиғича | *қопланади* |
| Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда тенг ер участкаси | *берилади* |
| Агар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, илмий-тадқиқот, тажриба ва ўқув хўжаликлари ерлари уларнинг хоҳишига кўра, иморатлари ўрнига уй-жойлар, бино ва бошқа иморатлар қуриб берилгандан сўнг олиб қўйиш | *амалга оширилади* |
| Берилган мулк ҳуқуқидаги ерлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун | *сотиб олинади* |
| Қонун ҳужжатларида қатъий ўрнатилган тартибга биноан | *мусодара қилинади* |

**Ер участкасига бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш** – ердан фойдаланувчи, эгаллаб турувчи, ижарачи ва мулкдорларни ер участкасига бўлган ҳуқуқларининг бузилишини ҳуқуқий усуллар ва йўллар орқали бартараф қилиш ёки олдини олиш.

**Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни кафолатлаш** – ердан фойдаланувчи, эгаллаб турувчи, ижарачи ва мулкдорларни ер участкасига нисбатан бўлган ҳуқукларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган қонун нормаларини белгилаш. Давлат бу ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ва жамоат бирлашмалари орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш мажбуриятини олади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддаси).

Ер кодексининг 41-моддасига биноан улар қуйидагилардан иборат:

- давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ер участкасидан фойдаланувчилар *фаолиятига аралашиши тақиқланади*, фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар (масалан, ер участкасида қонунда ман қилинган наркотик моддалар олувчи ўсимликларни экиш ва етиштириш) бундан мустасно;
- бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда *тикланади*;
- ҳуқуқлари бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан, бой берилган фойда) *тўла ҳажмда қопланади*;

• жисмоний шахсларга берилган ер участкалар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишларига кўра, туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда Ер кодексининг 86-моддасига мувофиқ барча зарарлар (шу жумладан, бой берилган фойда) тўла ҳажмда қоплангандан кейин *олиб қўйилиши мумкин*;

• давлат ёки жамоат эҳтиёжалари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув хўжаликларининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра, олиб қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда Ер кодексининг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан, бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин *олиб қўйилиши мумкин;*

• юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек, уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта *сотиб олиш*, шунингдек, уларни *мусодара қилиш* қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## *21-схема.* Ерга оид муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади, вазифалари ва принциплари

***Мақсади:***
*Ўзбекистон халқи, республика халқ хўжалиги ва ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларида ер фондини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш*

↓

***Вазифалари***

- Ер муносабатларини доимо такомиллаштириб бориш
- Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш учун шароитлар яратиш
- Ҳар бир ер участкасини белгиланган мақсадда оқилона фойдаланишни таъминлаш
- Ер ресурслари ва тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш ҳамда қайта ишлаб чиқариш қобилиятини таъминлаш
- Ер фонди тоифалари, иқтисодий соҳалар, ердан фойдаланувчилар ва қ/х ерларини оптимал тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлаш

↓

***Принциплари***

- Ягона экологик тизимда ердан оқилона фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал қилиш
- Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришда иқтисодий, экологик ва технологик ёндошув бирлигини таъминлаш
- Турли хил халқ хўжалиги соҳаларида ердан фойдаланишнинг ўзига хос томонларини инобатга олиш
- Ер ресурсларидан фойдаланишда зонал фарқларни инобатга олиш

***22-схема.* Ерга оид муносабатларни тартибга солиш борасида давлат бошқарув органларининг тизими**



**Ерга оид муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш** – иқтисодий-ҳуқуқий чораларни қўллаш орқали республика ер фондини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни ташкил этишда давлат органларининг мақсадли фаолияти.

**Ерга оид муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади** - Ўзбекистон Республикаси халқи, халқ хўжалиги ва унинг тармоқлари ҳамда ердан фойдаланувчилар манфаатларида давлатнинг ягона ер фондини муҳофаза қилиш, ундан ўта самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш.

**Ер ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқаруви** – ҳозирги ва келажак авлод ҳамда ердан фойдаланувчилар, ерни эгаллаб турувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар манфаатларида ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган ўзаро узвий боғланган давлатнинг ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва ташкилий-хўжалик чора тадбирлар тизими.

**Давлат органлари тизими** – ваколатларининг мазмуни ва аҳамиятига биноан гуруҳлаштирилган ва ерга оид муносабатларни тартибга соладиган давлат органларининг йиғиндиси.

**Ерга оид муносабатларни тартибга солишда давлат органларининг ваколатлари** – ер муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган умумий ва махсус ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий вакиллик доираси.

**Умумий ваколатли давлат органлари** – умумий ваколат доирасида ер муносабатларини ҳам тартибга солиб турувчи давлат органлари.

**Махсус ваколатли давлат органлари** – махсус ваколат доирасида ер муносабатларини тартибга солиб турувчи давлат органлари.

***23-схема.* Ерга оид муносабатларни тартибга солиш борасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколатлари**

| *Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари* | *Ваколатлари* |
|---|---|
| ***Олий Мажлис*** (ЎзР Конституциясининг 78-моддасига биноан) | ▪ ер муносабатларини тартибга солиш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди<br>▪ ер муносабатларини тартибга солиш борасида қонунлар қабул қилади, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади<br>▪ ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида давлат дастурларини тасдиқлайди<br>▪ қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларнинг тизими ва ваколатларини белгилайди<br>▪ Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилиши ва чегараларини ўзгартиришга оид масалаларни қонун йўли билан тартибга солади<br>▪ ерга пул тўлашни белгилайди<br>▪ ер муносабатларини тартибга солиш борасидаги давлат органларини ташкил этиш ёки уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги Президент фармонла- |

| | |
|---|---|
| | рини тасдиқлайди<br>■ табиий ёки техноген кўриниш-даги ер инқирози ёки оммавий бузилиши муносабати билан боғлиқ бўлган фавқулодда ҳолатларни жорий қилиш, чўзиш ва тўхтатишга доир Президент фармонларини тасдиқлайди<br>■ халқаро келишувларни ратификация ва денонсация қилади<br>■ вилоят, шаҳар ва туман чегараларини ўзгартиради<br>■ Конституцияга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин. |
| ***Президент*** (ЎзР Конституциясининг 93, 94–моддаларига биноан) | ■ ер қонун ҳужжатларига риоя этилишининг кафилидир<br>■ республика ҳудудининг бир бутунлигини сақлашга доир зарурий чоралар қабул қилади<br>■ ер муносабатларини тартибга солиш борасида қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқади ва қонунларни имзолайди<br>■ ер муносабатларини тартибга солиш борасида фармон ва қарорлар қабул қилади, фармойишлар беради<br>■ ер қонун нормаларига зид бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг меъёрий ҳужжатларини тўхтатади ёки бекор қилади<br>■ ижро этувчи аппаратни тузади, ер муносабатларини тартибга |

| | |
|---|---|
| | солувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ишларини мувофиқлаштиради<br>■ табиий ва техноген характердаги ерларнинг оммавий бузилиши ёки инқирози ҳолатида бутун республика ҳудуди ёки унинг айрим бир қисмларида фавқулодда ҳолат эълон қилади<br>■ ер муносабатларини тартибга солишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва Конституцияга биноан ер муносабатларини тартибга солишда бошқа фаолият юргизиш ваколатига эга бўлиши мумкин. |
| ***Вазирлар Маҳкамаси*** (ЎзР Конституциясининг 98-моддаси, "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонуннинг 8-12- моддалари ва Ер кодексининг 4-моддасига биноан) | ■ ер-ҳуқуқий механизмини татбиқ қилади<br>■ ер кадастрини олиб боради ва амалга оширади<br>■ ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга доир дастурларни, бюджетни ва истиқболини ишлаб чиқишни ташкил қилади ва ижросини таъминлайди<br>■ ер ресурсларини давлат ва хўжалик бошқарувини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритади ва ишлаб чиқади<br>■ ерга оид фан ва техникани ривожлантириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади |

| | |
|---|---|
| | ва амалга оширади<br>▪ ерга оид ҳуқуқий муносбат субъектларини ҳуқуқий муҳофазалаш ва кафиллашга ёрдам беради<br>▪ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси фаолиятини назорат қилади<br>▪ ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади<br>▪ Ер кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар қабул қилади<br>▪ тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан яхлит тарзда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларни амалга оширади<br>▪ қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этади<br>▪ давлат мулкидаги ерларни тасарруф этади<br>▪ ерлардан фойдаланиш ва улар- |

| | |
|---|---|
| | ни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.<br>▪ ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36-моддасига биноан бекор қилади<br>▪ ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил қилади<br>▪ ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади. |
| ***Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари*** (ЎзР Конституциясининг 100-моддасига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 24, 25-моддалари ва Ер кодексининг 5-моддасига | ▪ *ўзларига тегишли бўлган ҳудудларда* қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди<br>▪ ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга тегишли бўлган маҳаллий бюджетни ташкиллаштиради ва ижро этади<br>▪ табиатни муҳофаза қилишни таъминлайди<br>▪ ер муносабатларига доир қонун кучидаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилади ва ижросини таъмин- |

| | |
|---|---|
| биноан) | лайди<br>■ тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади<br>■ ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади<br>■ ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритишни ташкил қилади<br>■ юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер беради<br>■ ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўяди (алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, эгалланган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил тегралари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно)<br>■ дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхона- |

| | |
|---|---|
| | ларнинг биноларини, шу жумладан, ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилади<br>▪ ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилади<br>▪ ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади. |
| ***Туман ҳокимиятлари*** (ЎзР Конституцияси 100-моддасига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 24, 25-моддалари, Ер кодексининг 6-моддасига биноан) | ▪ *ўзларига тегишли бўлган ҳудудларда* қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди<br>▪ туман ер бюджетини ташкил этади ва ижросини амалга оширади<br>▪ табиатни муҳофаза қилишни таъминлайди<br>▪ ер муносабатларига доир қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилади ва ижросини таъминлайди<br>▪ тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади |

| | |
|---|---|
| | ▪ ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади<br>▪ фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерларни, ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўяди – ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига 10 гектаргача ўлчамда беради<br>▪ фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага беради<br>▪ фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер беради<br>▪ ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб сотади<br>▪ ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга сотади |

| | |
|---|---|
| | ■ ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этади<br>■ ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек, сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олади<br>■ ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқларини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилади<br>■ қишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этади<br>■ ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туман давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади. |
| ***Шаҳар ҳокимиятлари*** (ЎзР Конституциясининг | ■ *ўзларига тегишли бўлган шаҳарларда* қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди<br>■ шаҳар ер бюджетини ташкил |

| | |
|---|---|
| 100-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўгрисида"ги қонуннинг 24, 25-моддаларига, Ер кодексининг 7-моддасига биноан) | этади ва ижросини амалга оширади<br>■ табиатни муҳофаза қилишни таъминлайди<br>■ ер муносабатларига доир қонун кучидаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилади ва ижросини таъминлайди<br>■ ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади<br>■ ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади<br>■ ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланиш ва ижарага бериш, шунингдек, ерни олиб қўяди (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно)<br>■ ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб сотади<br>■ ер участкаларига мерос килиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга сотади<br>■ ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадас- |

| | |
|---|---|
| | три юритилишини ташкил этади<br>▪ ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек, сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олади<br>▪ ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқларини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилади<br>▪ ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади. |
| ***Ер ресурслари давлат қўмитаси*** (Ер ресурслари давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомга биноан) | ▪ ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида давлатнинг ягона сиёсатини амалга оширади<br>▪ ердан фойдаланувчи ва уни муҳофаза қилувчи давлатнинг бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини назорат қилади<br>▪ ер муносабатларини тартибга солишни такомиллаштиради<br>▪ ер тузиш ва ер мониторингини ташкил қилади<br>▪ давлат ер кадастрини ташкил қилади ва олиб боради<br>▪ давлат ер назоратини ташкил |

| | |
|---|---|
| | қилади ва амалга оширади<br>■ ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг миллий дастурларини ишлаб чиқади ва амалий татбиқ қилади<br>■ ер ресурслари ҳақида йиллик ҳисобот тузади<br>■ ушбу соҳада кадрлар тайёрлайди ва қайта тайёрлайди<br>■ ер бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан хорижий мамлакатлар, компаниялар ва бошқалар билан алоқалар ўрнатади ва чора-тадбирларни амалга оширади<br>■ ўзи тўғрисидаги Низомга биноан бошқа фаолиятларни ҳам олиб бориш ваколатига эга. |

## *24-схема.* Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг ҳуқуқий ҳолати

| | | |
|---|---|---|
| ЕР РЕСУРСЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ | Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат органи | *ҳисобланади* |
| | ЎзР Вазирлар Маҳкамаси олдида | *ҳисобдордир* |
| | ЎзР қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари ва фармоишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва йўриқномалари, ўзи тўғрисидаги Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида | *фаолият юргизади* |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаси, ер ресурслари туманлар хизмати, "Ўздаверлойиҳа" ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий текшириш институтига | *бўлинади* |
| | Барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан қарорлари | *ижро этилади* |
| | ЎзР ер масалалари бўйича манфаатларини халқаро ташкилотларда | *ифода этади* |
| | Ер муносабатларини тартибга солиш учун меъёрий ҳужжатлар, методик кўрсатмалар, йўриқномаларни | *тасдиқлайди* |
| | Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларига доир бепул маълумотларни юридик ва жисмоний шахслардан | *сўрайди ва олади* |
| | Давлат бошқарув органлари, ташкилот, корхона, муассаса ва корхоналардан ер масалалари бўйича ҳисоботни | *тинглайди* |

*24-схеманинг давоми*

**ЕР РЕСУРСЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

| Ер ресурслари давлат қўмитаси | | |
|---|---|---|
| | Ер муносабатлари барча субъектлари томонидан ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ижросини | *текширади* |
| | Ер қонун ҳужжатларига доир ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва оқибатларини бартараф этиш учун | *амрномалар беради* |
| | Ҳуқуқбузар раҳбар ходимлар ва фукароларни маъмурий жавобгарликка | *тортади* |
| | Ерга нисбатан келтирилган зарарни қоплашга доир | *даъво билан чиқади* |
| | Ҳуқуқбузар шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ваколатли давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга | *тақдимномалар юборади* |
| | Ер участкаларини тортиб олиш, улардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиш учун маҳаллий ҳокимиятларга | *материал жўнатади* |
| | Ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга доир масалаларни биргаликда ишлаб чиқиш учун | *мутахассисларни жалб этади* |
| | 1998 йил 27 июлда Вазирлар Маҳкамаси 314-сонли қарори билан тасдиқланган ўзи тўғрисидаги Низомга биноан бошқа ваколатларни | *амалга оширади* |

**25-схема. Ер тузиш**



**26-*схема.* Ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**



**Ер тузиш** – ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими (Ер кодексининг 12-моддаси). Ер тузиш ишлари Давлат ер ресурслари давлат қўмитаси ер тузиш хизматлари томонидан давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

**Лойиҳа олди ер тузиш** – ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда туман ва вилоят ер тузиш схемаларини ишлаб чиқишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олувчи ер тузиш тури.

**Истиқболга мўлжалланган ер тузиш** – тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган келажакка мўлжалланган республика ва ҳудудий режалар дастурларини ишлаб чиқишни ўз ичига олувчи ер тузиш тури.

**Хўжаликлараро ер тузиш** – қуйидаги тадбирлар тизимини ўз ичига олувчи ер тузиш тури:

1) жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар ва вилоятларнинг чегараларини белгилаш;

2) ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг янги ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;

3) янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

4) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ерларни ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

5) ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажратиб бериш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш;

6) янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчкилардан, сув босишдан, захлашдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифлосланиш-

дан ҳимоя қилиш бўйича ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

7) барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;

8) ерларни ресурс жиҳатидан баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

9) ерларни баҳолаш тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Ички хўжалик ер тузиш** – қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизи деб белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек, суғориладиган ерларни тўла реконструкциялаш (қайта мелиорация қилиш) каби тадбирлар тизимини ўз ичига олувчи ер тузиш тури.

Ер кодексининг 13-моддасига мувофиқ хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларини вилоят ҳокими, юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиш лойиҳаларини эса Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тасдиқлайдилар.

### *27-схема.* Ер мониторинги



**Ер мониторинги** – ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими (Ер кодексининг 14-моддаси). Ер мониторингини олиб бориш ер мониторингига оид меъёрий ҳужжатлар асосида Ер ресурслари давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси *томонидан* Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Гидрология ва метерология бош бошқармаси, Геология ва минерал ресурслар вазирлиги каби вазирликлар, қўмиталар ва идоралар *иштирокида* амалга оширилади.

Ер мониторинги ёрдамида ер ресурсларининг маълум бир даврдаги ҳолати ва унинг ўзгариши, ер назорати ва экспертизасини қаерларда тезкор равишда олиб бориш кераклиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имконини беради. *Мониторинг - назорат - экспертиза* тизими ер ҳуқуқбузарликларини тез аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш учун асос бўлади, десак ҳеч муболага бўлмайди.

**Ер мониторинги объектлари** – махсус ваколатланган давлат органларининг доимий кузатувида бўлган ер фонди ва унинг элементлари. Ер фонди элементларига эса: қишлоқ хўжалик экинлари майдони; ер участкалари; ер унумдорлигининг ўзгаришига сабаб бўлувчи жараёнлар (эрозия, дефляция, шўрланиш, ботқоқланиш, захланиш, ифлосланиш, дегумификация ва бошқа табиий-техноген жараёнлар ва ҳодисалар); аҳоли яшаш жойлари, нефть ва газ конларининг объектлари, тозалагич иншоотлари, сув омборлари, ахлат ташлайдиган жойлар, ёқилғи-мой-

лаш омборлари, ўғит сақланадиган омборхоналар, автомашиналарнинг турар жойлари, саноат ва радиоактив чиқитларини кўмиш жойлари ва бошқа саноат объектларининг ерлари.

**Ер мониторингининг методлари** – ер муносабати қатнашчиларининг ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни кузатиб бориш амалга ошириш усуллари. Ер мониторингини олиб бориш космик аппаратлардан маълумотлар олиш, самолёт, вертолёт ва анъанавий (ердан туриб) кузатиш усуллари орқали олиб борилиши мумкин.

**Ер мониторинги турлари** – ер мониторингини олиб боришнинг вақти ва унинг қайтарилиш муддатига қараб, қуйидаги турларга ажратилади: *таянч* – бошлангич мониторинг, *муддат (давр)ли* – таянч мониторингдан сўнг бир йил ёки маълум бир муддатларда мониторинглаш; *тезкор (оператив)* – маълум бир муддати бўлмаган ва шароитга қараб олиб бориладиган мониторинг.

**Ердан фойдаланишда олиб бориладиган экологик экспертиза** – махсус ваколатли давлат органлари ёки фуқаролар томонидан тузилган экспертлар комиссияси ёки экспертлар томонидан олиб бориладиган ва уларнинг хулосаси ер участкасидан фойдаланиш оқибатлари экологик хавфсизликка (экотизимларга) қай даражада таъсир қилишини баҳолайдиган назорат тури. 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Экологик экспертиза тўгрисида"ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида 3 хил экспертиза хулосаси мавжуд: *давлат* - ҳамма ер муносабатлари субъектлари учун мажбурий кучга эга бўлган хулоса; *экологик аудит* - ер муносабатлари қатнашчиларининг маълум бир субъекти доирасидаги кучга эга бўлган хулоса; *жамоат* - тавсия кучига эга бўлган хулоса.

## *28-схема.* Давлат ер кадастри



**29-*схема.* Ер кадастрининг мақсади, принциплари, давлат бошқарув органлари ва меъёрий ҳужжатлари**

**ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ**

| | | |
|---|---|---|
| *Мақсади* | Давлат ер кадастрининг ҳуқуқий асослари ва кадастр маълумотларидан фойдаланишни ўрнатиш | иқтисодий ривожланиш учун |
| | | ер участкалари субъектларининг ҳуқуқини кафолатлашни таъминлаш учун |
| | | ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун |
| | | ерларни муҳофазалаш учун |
| | | бузилган ерларни қайта тиклаш учун |
| *Принциплари* | Ўзбекистон ҳудудини тўлигича қамраб олиш | |
| | Ягона макон координатлари тизимини қўллаш | |
| | Ишлаб чиқишни ягона методик асосда ўтказиш | |
| | Ер кадастри ахборотларининг ишончлилиги | |
| *Давлат бошқаруви* | Вазирлар Маҳкамаси | |
| | Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва ҳокимиятлар | |
| | Ер ресурлари давлат қўмитаси | |
| | Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси | |
| *Ҳужжатлари* | Ер участкасига бўлган ҳуқуқи тўғрисида | |
| | Туман (шаҳар) ер кадастри китоби | |
| | Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ер кадастри китоблари | |
| | Ерларнинг сон, сифат ва пуллик баҳоси тўғрисидаги ҳисобот | |
| | Кадастр хариталари ва планлари | |
| | Қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳужжатлар | |

**Кадастр** – маълум бир табиий хўжалик ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдори, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизими (Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси). Кадастр тизимида маълум бир табиий объектлардан ҳуқуқий фойдаланиш ҳақидаги тавсияномалар, фойдаланувчилар ва ифлослантирувчилар рўйхати, уларни қайта тиклаш чоралари ҳақида таклифлар ҳамда келажакдаги изланишлар ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлар келтирилиши мумкин.

**Давлат ер кадастри** – Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий ҳолати, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қимати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидир (Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси).

**Давлат ер кадастрининг мақсади** – Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасига биноан иқтисодиётни ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ердан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқукий асосларини белгилашдан иборат.

**Давлат ер кадастрининг ҳуқуқий-меъёрий асослари** – 1998 йил 28 августда қабул қилинган "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида"ги 543-сонли қарори ва унга илова қилинган "Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом" ва бошқа қонун ҳужжатлари.

**Ер кадастрини олиб бориш** – вилоят ва туманларда Ер ресурслари давлат қўмитасининг тегишли вилоят ва туман, шаҳар ва қишлоқларда туман ва шаҳар давлат кўчмас мулк кадастри ҳамда Геодезия, картоғрафия ва давлат кадастри бош бошқармаси хизмати бўлинмаларининг тегишли фаолияти.

**Ер кадастри ҳужжатлари** – ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари, ерларнинг миқдор, сифат ҳолати ва уларнинг баҳоси тўғрисидаги ҳисоботлар, кадастр хариталари, планлари ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар йиғиндиси (Давлат ер кадастри тўгрисидани қонуннинг 12-моддаси).

**Ер кадастри хариталари ва планлари** – ер кадастри тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни ифода қилишнинг қоғоз ва пластиклар ёки электрон воситалар (рақамли хариталар) ёрдамида маълум бир масштабларда ифода этилиши. *Хариталар* республика, вилоятлар ва туманлар бўйича тузилса, *планлар* эса аҳоли яшаш жойлари ва ер участкалари бўйича тузилади. Улар ер кадастрининг географик ҳужжат-

лар тоифасига кириб, ер фонди тоифалари ва ер учаткаси кадастрига тегишли тавсифлар олиш мақсадида тузилади ва ўзгартиришлар киритиб борилади. Харита ва планларда ер фонди тоифалари ҳамда ер участкаларининг жойлашган ўрни, майдонлари, чегаралари, баҳолаш теграלари, сув манбалари, ер участкасида жойлашган бинолар ва иншоотлар кўрсатилган бўлади.

**Тупроқ бонитировкаси** – қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртача даражасидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик кувватига бериладиган киёсий баҳо (Давлат ер кадастри тўғрисидани қонуннинг 18-моддаси).

*Илмий нуқтаи назардан* олганда тупрок бонитировкаси-тупроқларнинг хосса ва хусусиятлари ҳамда ҳосилдорлик даражасини инобатта олган ҳолда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши асоси бўлган тупроқларининг сифат жиҳатидан солиштирма баҳоси. "Ўзбекистон Республикаси тупроқ бонитировкасини олиб бориш ва маълумотларини тасдиқлаш тартиби"га биноан (Адлия вазирлигининг 1999 йил 18 майдаги 732-сонли қарори билан тасдиқланган) тупроқлар 100 баллик даражада (шкалада) маълум бир ўсимлик тури бўйича баҳоланилади. Энг юқори балл билан типик бўз тупроқлар минтақасидаги суғориладиган ва юқори маданийлаштирилган тупроқлар баҳоланилади. Тупроқ бонитировкаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан олиб борилади ҳамда ушбу маълумотлар туман ва шаҳар ҳокимиятлари билан мувофиқлаштирилади.

## *30-схема.* Ерларни муҳофаза қилиш

***Ерларни муҳофаза қилиш тадбирлари***

Ерлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги, ўрмон ва яйлов ерларини ишлаб чиқариш хусусиятини ошириш ва қайта тиклаш, суғориладиган, алоҳида қиймати ва муҳофазаланадиган ерларни асоссиз оборотдан чиқариш, ерларни табиий ва антропоген салбий жараёнлардан ҳимоялашнинг йўллари:

### *Ташкилий*

- Илмий асосланган ер тузиш
- Ҳудудий ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш
- Ягона мониторинг тизимини олиб бориш
- Давлат кадастрини тўлиқ амалга ошириш
- Давлат ва жамоат экспертизасини йўлга қўйиш
- Ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш назоратини кучайтириш ва ҳ.к.

### *Ҳуқуқий*

- Табиатни муҳофазалаш қилиш қонунчил. Нормаларини такомиллашт.
- Табиий ресурслар қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш
- Тадбиркорликни кафолатлаш нормаларини такомиллаштириш
- Ердан фойдаланиш нормаларини экологиялаштир.
- Экологик-ҳуқуқий механизмни яратиш
- Ер ҳуқуқбузарлигига нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ва ҳ.к.

### *Иқтисодий*

- Ёмон ерларни имтиёзли солиққа тортиш
- Тупроқ муҳофазаси тадбирларини кредитлаш
- Экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш
- Ерларни рекультивация ва тубдан мелиорация қилишга давлат дотациясини бериш
- Ер жамғармасини жорий қилиш ва ҳ.к.

### *Технологик*

- Ерларни тубдан мелиорациялаш ва рекультивациялаш технологияларини ишлчик
- Шаҳар қурилиши лойиҳаларига ер муҳофазаси элементларини жорий этиш
- Ноқишлоқ хўжалик ва саноат ўзлаштиришни ягона технологиясини яратиш
- Сувларни муҳофаза қилиш технологиясини жорий этиш
- Ерларни қайта тиклаш технологияларини жорий этиш ва ҳ.к.

**Ерларни муҳофаза қилиш** – ерлардан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ҳамда ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларни асоссиз равишда олиб қўйилишининг олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирларни олиб бориш каби комплекс чора-тадбирлар тизими.

**Ерларни муҳофаза қилишнинг асоси** – ерларни муҳофаза қилиш ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тариқасида, уларнинг зона (тегра) ва минтақа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда атрофлича ёндошишни амалга ошириш.

**Ердан оқилона фойдаланиш тизими** – табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни тежаш тарзида бўлиши ҳамда тупроқни сақлашни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геологик жинсларга ва атроф-муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказишни чеклашни назарда тутадиган чора-тадбирлар мажмуи.

**Ерларни муҳофаза қилишнинг ташкилий тадбирлари** – ерларни муҳофаза қилишга доир маълум бир ташкилий чораларни асослаб бериш ва амалий татбиқ қилиш. Табиатни муҳофаза қилишнинг миллий ҳаракат режасида (Тошкент, 1998) ерларни иккиламчи шўрланишдан сақлаш, ҳудудларнинг чўлланиши (саҳроланиши) жараёнларини тўхтатиш, бутун ер фонди тоифалари бўйича биологик хилма-хилликни сақлаш тадбирлари белгилаб берилган.

**Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тадбирлари** – ерларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалий татбиқ қилиш чоралари. 1991 йилдан буён мустақил Ўзбекистон Республикасида 40 дан зиёд қонунларда ва 400 дан ортиқ меъёрий ҳужжатларда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш нормалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июлдаги ПФ-2059-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги 314-сонли қарорига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш учун махсус давлат бошқарув органи – Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди. Ташкил этилгандан буён ўтган 2 йил давомида у ерларни муҳофаза қилишга доир 30 дан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилди.

**Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий тадбирлари** – ерларнинг муҳофазасига йўналтирилган моддий ва молиявий чораларни таъминлаб беришда Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги ишлаб чиқариш кучларига монанд равишдаги ишлаб чиқариш муносабатларни ташкил этиш. Ер кодексининг 28-моддасига биноан ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйган ер муносабати субъектларига бир қатор иқтисодий рағбатлантириш меъёрлари белгиланган.

**Ерларни муҳофаза қилишнинг технологик тадбирлари** – ерларни муҳофазалашда юқори унумдорликка эриша оладиган технологик жараёнларни таъминлаб берувчи усул ва услубларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш чоралари. Масалан, жарланган ва техноген бузилган ерларни тубдан мелориация ва рекультивация қилишнинг илмий асосланган усулларини яратиш.

## *31-схема.* Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш йўллари

***Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш йўллари***

↓

*Ҳуқуқий тадбирлар мажмуи*

*Ер участкаларидан мақсадли фойдаланишни рағбатлантириш нормалари:*
- ер тўлови имтиёзлари
- рағбатлантириш жамғармаларини ташкил қилиш
- кредитлаштириш ва ҳ.к.

*Ердан самарасиз фойдаланиш сабаблари ва шароитларини бартараф қилиш нормалари:*
- ер бериш тизимини кадрлар нуқтаи назаридан кучайтириш
- ердан нотўғри фойдаланиш натижасида келтирилган зарарни ҳисоблашни илмий асослаш
- ер мониторинги, назорати ва экспертизасининг ягона ҳуқуқий асосини яратиш ва ҳ.к.

*Ердан оқилона фойдаланиш талабларини бузишнинг олдини олишнинг тезкор ҳуқуқий чораларини белгилаш нормалари:*
- вақтинчалик тўхтатиб туриш
- чеклаш
- қайта ихтисослаштириш
- жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ва ҳ.к.

**Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш усуллари** – ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг самарали йўлларини қўллашни таъминлайдиган ҳуқуқий чоралар йиғиндиси. Ушбу усуллар ер муносабати субъектлари учун ҳуқуқий имкониятлар яратиш ва тартибга солишнинг комплекс ҳуқуқий чораларини яратишнинг ҳуқуқий нормалар тавсифи ва йўналишлари орқали амалга оширилади.

**Ҳуқуқий тадбирлар комплекси (йиғиндиси)** – ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ер участкаларидан мақсадли фойдаланишларини *рағбатлантириш*, ерлардан самарасиз фойдаланиш сабаблари ва шароитларини *бартараф қилиш*, ер участкаларидан оқилона фойдаланмасликка доир ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф қилишнинг тезкор ҳуқуқий имкониятларини *белгилаш* каби ўзаро боғланган ва бир-бирдан келиб чиқадиган ҳуқуқий нормалар мажмуи.

**Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш** – жамиятнинг экологик хавфсизлиги ва экологик тизимлар ҳолатини белгиловчи ер фондини сақлаб қолишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва амалий татбиқ қилиш.

**Ерларни муҳофаза қилишнинг меъёрий асоси** – ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва

улардан оқилона фойдаланиш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ер ҳуқуқи манбалари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (08.12.1992 й.), Ер кодекси (30.04.1998 й.), Табиатни муҳофаза қилиш (09.12. 1992 й.), Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (07.05.1993 й.), Экологик экспертиза (25.05.2000 й.), Давлат ер кадастри (28.08.1998 й.) тўғрисидаги қонунлар, Жиноят кодекси (22.09.1994 й.), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (22.09.1994 й.), Фуқаролик кодекси (21.12.1995 й. ва 29.08.1996 й.) каби қонун ҳамда қонун ости меъёрий ҳужжатлардир.

**Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари** – тупроқ унумдорлигини сақлаш ва унинг қайта ишлаб чиқариш қобилиятини тиклаш ҳамда ерларни салбий антропоген жараёнлардан сақлашга қаратилган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ижобий фаолиятларини моддий-молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар комплекси. Уларга: ер солиги ва ижара тўлови бўйича имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар бериш, давлат бюджети ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш, ерларни муҳофаза қилиш борасидаги капитал маблағ ва бошқа харажатларни қисман қоплаш ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа тадбирлар киради.

***32-схема.*** **Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш**



**Ер назорати** – ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган ер қонун ҳужжатлари нормаларидаги талабларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ваколатланган идоралар ва шахслар ер муносабатлари субъектлари томонидан бажарилишини текшириш.

**Давлат ер назорати (иснпекцияси)**– давлатнинг маҳаллий ҳокимият ва махсус ваколатли органларининг ер муносабати қатнашчилари-(субъектлари)нинг ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир фаолиятларини текшириш.

Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан 1999 йилда давлат ер назорати 3258 субъектлар фаолияти юзасидан 47240 гектар майдонда олиб борилди. Ушбу назорат натижасида ер қонунчилиги талабларини бузган 3152 ҳуқуқбузар 46532 гектар майдонда аниқланди. Уларнинг 1713 таси судларда кўриб чиқиш учун топширилди. Назорат хулосасига биноан текшириш олиб борилган ер участкаларининг 98,5 фоизида турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилган. Суд органларида кўриб чиқилган 1471 ҳуқуқбузарликдан 947 таси юридик жавобгарликка тортилган.

**Давлат ер назорати (надзор)** – давлатнинг махсус ваколатли органи (прокуратура) томонидан ер муносабатлари субъектлари (жумла-

дан, давлат органлари ва мансабдор шахслар) фаолияти ер қонун ҳужжатларига мослигини текшириш (Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси).

**Жамоат ер назорати** – ерларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги ер қонунчилиги талабларига риоя этишни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан текшириш (Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси ва янги таҳрирдаги Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 10-моддаси).

**Ер назоратининг ахборотлаш шакли** – огоҳлантирувчи ва жазоловчи чораларни қўллаш мақсадида давлат назоратининг ер муносабати субъектларининг ер қонунчилиги талабларини бажаришларига доир зарурий маълумотларни йиғиш ва уларни умумлаштиришга қаратилган текшириш тури.

**Ер назоратининг жазолаш шакли** – ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича қонун талабларини бажармайдиган ва уларга риоя этмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан давлатнинг мажбурловчи чораларини қўллашга қаратилган текшириш тури.

### *33-схема.* Ер учун ҳақ тўлаш



## *34-схема.* Ер солиғи

***Ер солиғига тортиладиган объектлар***

- *Юридик шахсларнинг ер участкалари*
  - мулк қилиб олинган
  - қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган
  - корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қ/х га тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган
  - корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган
- *Жисмоний шахсларнинг ер участкалари*
  - якка тартибда уй-жой қуриш, унинг этаги ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган
  - жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган
  - хизмат юзасидан чек тарзида берилган
  - мерос бўйича, ҳадя қилиш ёки сотиб олиш натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган
  - мулк қилиб олинган
  - тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган

**Ер учун ҳақ тўлаш** – ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида бўлган ер участкаларига юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий тўловлари (Солиқ кодексининг 96-98-моддалари).

**Ер учун ижара ҳақи** – ер участкасини ижарага берувчи ва ижарачи томонидан ижара шартномасига мувофиқ (келишиб олинган) миқдорда тўланадиган ер ҳақи. Ижара ҳақи Ер кодексининг 28-моддасига мувофиқ ер солиғи ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлиши керак. Ижара ҳақи ер эгасига тўланади ва ер солиғи Солиқ кодексининг 1998 йил 25 декабрдаги янги таҳририга мувофиқ давлат бюджетига тушади.

**Ер солиғи миқдори** – ер участкалари учун белгиланган ва табақалашган ставкалар асосидаги тўловлар. Ушбу ставкаларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат ер кадастрида кўрсатилган ер участкаларининг жойлашган ери, ер сифати ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб белгиланади ва солиқ инспекциялари томонидан ундириб олинади. Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ердан фойдаланувилар томонидан, ёмонлаштирилган (бонитети пасайган) бўлса, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашгунга қадар белгиланган ставкаларда унидирилади (Солиқ кодексининг 99-моддаси).

**35-схема. Солиқ солинмайдиган ер участкалари***

| СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ | |
|---|---|
| | ▪ *шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари* (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ томорқалари, қабристонлар ва бошқалар)<br>▪ *жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари*<br>▪ *табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар* (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар<br>▪ *тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар* (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археологик ёдгорликлар, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар)<br>▪ *сув фонди ерлари* (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек, сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар).<br>▪ *электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгалллаган ерлар* |

* Ерлардан берилган мақсадларда фойдаланилмаган бўлса, ушбу имтиёзлар қўлланилмайди.

| СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ | |
|---|---|
| | ▪ *умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари, темир йўлларнинг умумий тармоғи, умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти* (шу жумладан, метрополитен) ва *уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар*<br>▪ *спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия - соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санатория-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар*<br>▪ *магистрал сув қувурлари, нефть ва газ қувурлари, иссиқлик трассалари, магистрал канализация, коллекторлар ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек, сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгалланган ерлар*<br>▪ *самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан, уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари жойлашган ерлар*<br>▪ *Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар* – қурилишнинг меъёртив муддати даврига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар |

| СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ | |
|---|---|
| | ▪ *гидрометерология ва гидрогеология ҳамда постлари эгаллаган ерлар*<br>▪ *илмий ташкилотларда қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланадиган ерлари*<br>▪ *янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар* – лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошлангандан эътиборан кўпи билан беш йилга<br>▪ *захирадаги ерлар*<br>▪ *рекреацион аҳамиятига молик ерлар* (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, ҳиёбонлар, пляжлар ва бошқалар)<br>▪ *соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар* (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар)<br>▪ *якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ерлар* - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга<br>▪ солиқ *тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар* |

## *36-схема.* Ер солиғини тўлашдан озод қилинган юридик шахслар

**ЕР СОЛИҒИНИ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР**

- *тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар* – ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари
- *маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари* – бўйсунишидан қатъи назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари
- *деҳқон ва фермер хўжаликлари* – давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга*
- *чет эл инвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар* – рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида*
- *ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар* – савдо, воситачилик, таъминотсотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно
- *«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, «Нуроний» жамғармаси корхоналари* – бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг низомида белгиланган вазифаларни бажариш учун фойдаланиш шарти билан
- *Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар* – ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим.

* Белгиланган имтиёзли муддатдан сўнг 1 йил ичида уларнинг фаолияти тўхтатиладиган бўлса, фаолият даври учун тўлиқ миқдорда солиқ ундирилади.

## *37-схема.* Ер солиғини тўлашдан озод қилинган жисмоний шахслар

| ЕР СОЛИҒИНИ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР | |
|---|---|
| | ▪ *яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари*<br>▪ *Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат орденлари билан тақдирланган, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари*<br>▪ *хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракат олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар**<br>▪ *ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари* – хизмат муддатига<br>▪ *I ва II гуруҳ ногиронлари*<br>▪ *ёлғиз пенсионерлар*<br>▪ *боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар*<br>▪ *концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар*<br>▪ *кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича* – ер участкалари берилган вақтдан эътиборан 5 йилгача |

* Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар асосида

**38-схема. Ер олиш ҳуқуқи**



**Ер олиш ҳуқуқининг усуллари** – ер участкаларини эгаллаш, фойдаланиш ва ижарага беришнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланган тарзда уларни хусусийлаштириш, сотиб олиш, мерос қилиб олишнинг фуқаровий-ҳуқуқий йўллари.

**Ер олишнинг маъмурий-ҳуқуқий усули** – махсус ваколатланган давлат органи томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш йўллари.

**Ер олишнинг фуқаровий-ҳуқуқий усули** – фуқаровий-ҳуқуқий нормаларда белгиланган тарзда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер участкаларини олиш йўллари.

**Ер участкаларини хусусийлаштириш** – ер участкаларини давлат мулкидан фуқаро (жисмоний шахс)лар ва юридик шахсларга доимий (муддатсиз) фойдаланиш, умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ёки ижарага олиш ҳуқуқи билан олиниши. Ўзбекистон Республикасида ер умуммиллий бойлик-давлат мулки бўлгани учун ҳам у “соф” равишда хусусийлаштирилиши мумкин эмас. Ер кодексининг 18-моддасига мувофиқ ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи: юридик ва жисмоний шахслар томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг жойлашган ер участкаси билан биргаликда хусусийлаштирилганида, республикамизда аккредитация қилинган дипломатия ва-

колатхоналари, халқаро ташкилотларнинг иморат ёки иморат қисмлари, шу жумладан, ваколатхона бошлиғининг кароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун берилган ер участкалари реализация қилинганда, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг уй-жой бинолари (жойлашган ер участкалари билан бирга) реализация қилинганида ашёвий ҳуқуқ сифатида вужудга келади.

**Ер участкаларини олди-сотди қилиш** – ер участкасини олди-сотди шартномасига мувофиқ бевосита тўғридан-тўғри (ер-ҳуқуқий) ёки билвосита (фуқаровий-ҳуқуқий) битимлаш. Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигига мувофиқ ер участкасини бевосита олди-сотди қилиш тақиқланади, лекин фуқаровий-ҳуқуқий табиатига эга бўлган билвосита битимлаш рухсат берилади, қачонки мулк объектлари ва бошқа кўчмас мулкнинг ер участкалари билан биргаликда конкурс ёки ким ошди савдоси орқали олди-сотди қилинганида. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга томорқа ер участкаси 0,06 гектар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ким ошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

## *39-схема.* Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши

*Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи қуйидагилардан сўнг вужудга келади:*

*Жойнинг ўзида чегарасини белгилаш*

ер участкаси чегараларини натурада (жойнинг ўзида) аниқлаш ва уни белгилаб қўйиш

*Чизмасини тузиш*

ер тузиш лойиҳасига биноан маҳаллий рельеф ва бошқа картографик элементларни инобатга олган ҳолда топографик планини тузиш

*Ер участкасини тавсифлаш*

- ер тоифаси ва қандай мақсадда фойдаланилиши
- экин тури ва майдони
- биргаликда фойдаланиш ва эгаллашдаги улуши
- кадастр рақами
- қонун ҳужжатларида кўрсатилган ер участкаси ҳақидаги бошқа маълумотлари

*Давлат рўйхатига олиш*

- юридик ва жисмоний шахс ҳақидаги маълумотлар
- ер участкасининг тавсифи
- ўзлаштириш муддати, сақлаш ва сервитут тўғрисидаги шартнома шартлари маълумотлари
- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ажратилган тегра (зона)га ер участкасининг тушиши тўғрисидаги махсус давлат органларининг қарори
- қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа маълумотлар

**Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши** – юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасини мулк сифатида фойдаланиш ёки ижара олиш ҳуқуқи. Ушбу ҳуқуқ жойнинг ўзида ер участкасининг чегараси белгилангандан, унинг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқукни тасдиқловчи ҳужжатлар (илова, 1-шакл) давлат рўйхатига олингандан кейингина вужудга келиши.

**Ер участкаларининг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш** – ер участкаси чегараларини жойнинг ўзида (натурада) давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан аниқланиши ва унинг белгилаб қўйилиши.

**Ер участкасининг чизмасини тузиш** – ер тузиш лойиҳасига биноан топографик планларга ер участкасининг барча картографик ҳолатлари (иморатлар, каналлар, ариқлар, боғлар, экинзорлар, йўл ва бошқа коммуникациявий тармоқлар каби белгилар)нинг ва жойнинг рельефи, пасту баланди, гипсометрияси, абсолют ёки нисбий баландлик нуқталарининг туширилиши.

**Ер участкасини тавсифлаш** – маълум бир ер участкаси бўйича керакли бўлган маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан ер участкасининг тавсифига унинг тоифаси ва нима мақсадда

фойдаланишлиги, экин тури ва майдони, кадастр рақами, сон ва сифат кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар киради. Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади. Ушбу ишлар (марза белгиларини ўрнатиш ҳам), агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида белгиланган бўлмаса, ер участкасини олувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади (Ер кодексининг 32-моддаси).

**Ер участкасини давлат рўйхатига олиш** – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат реестри (рўйхати)га киритилиши. Давлат реестри "Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш йўриқномаси"га мувофиқ қуйидаги ҳужжатлардан иборат: юридик ёки жисмоний шахс ҳақидаги маълумотлар, ер участкасининг тавсифи, ўзлаштириш муддати, сақлаш ва сервитутлар ҳақидаги шартномавий маълумотлар, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ажратилган тегралларга тегишли ва шунга ўхшаш қонун ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар (Ер кодексининг 35-моддаси).

**40-схема. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни чеклаш**



**Ердан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш** – ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ер участкасига бўлган ҳуқукларини давлат, атроф-муҳитни муҳофаза килиш, мухандислик коммуникацияларини қуриш ва улардан фойдаланиш манфаатларини, шунингдек, фукаролар хавфсизлигини кўзлаб факат қонунда назарда тутилган ҳолларда чекланиши (Ер кодексининг 42-моддаси). Ердан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш тўгридан-тўгри *ердан фойдаланишни* чеклаш ёки *маълум бир хўжалик фаолиятини* чеклаш орқали амалга оширилиши мумкин. Улар *вақтинчалик* – маълум бир ноқулай давр, ҳолат ёки ҳодиса (масалан, сувсизлик, қурғоқчилик, кучли ёмғир ва ҳ.к.) ўтгунга қадар ҳамда *доимий* – сувларни муҳофаза этиш теграларида жойлашган ерларда, қўриқхона, балиқ хўжалиги, рекрацион теграларда доимий равишда амалга оширилиши кабилар.

**Ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш** – ерни тортиб олиш орқали ер участкасидан фойдаланувчилар, эгалловчилар, ижарачилар ва мулкдорларни ердан фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатилиши. Ер кодекси 36-моддасида назарда тутилган ҳолатлар – ихтиёрий воз ечиш, берилган муддатнинг тугаши, юридик шахснинг банкрот деб эълон қилиниши маҳрум қилишга кирмайди, чунки ер қонунчилигида маҳрум қилиш ердан фойдаланувчиларнинг хоҳишларисиз амалга оширилиши назарда тутилади.

**Ердан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш** – ердан унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш талаблари ёки уни сақлаш чоралари бартараф қилингунга қадар ер участкасидан фойдаланишни вақтинчалик тўхтатиб қўйиш. Ушбу қонун нормаси ер қонунчилигида йўқ, лекин табиатни, хусусан ерни асрашга қаратилган ушбу ҳуқуқий чора, олимларнинг фикрига кўра (У. Аюбов, 1999 й.), жуда катта экологик аҳамиятга эга.

## *41-схема.* Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш

**Ерга бўлган ҳуқуқни бекор қилиш**

- **эгаллашдан-фойдаланишдан-ижарадан**
  - Ихтиёрий воз кечилганда
  - Муддати тугаганда
  - Юридик шахс тугатилганда
  - Ижара олиш шартномасининг муддати тугаганда ёки бекор қилинганда
  - Меҳнатга оид муносабат бекор қилинганда
  - Мақсадсиз фойдаланилганда
  - Оқилона фойдаланилмаганда
  - Тупроқ унумдорлигини пасайтирганда ва экологик талабларни бузганда
  - Ер тўловини мунтазам тўламаганда
  - Белгиланган вақтда ўзлаштирилмаганда
  - Олиб қўйилганда
  - ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда
- **мулк ҳуқуқидан**
  - Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ери билан *сотилганда*
  - Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари *сотиб олинганда*
  - Савдо ва хизмат кўрсатиш, яшаш жойлари ва бошқа объектлар *мусодара қилинганда*

## *42-схема.* Ер участкасини олиб қўйиш



**Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш** – бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш, ёхуд ундан доимий, ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқига, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ердан фойдаланувчилар ихтиёрий воз кечганларида, берилган муддат тугаганда, юридик шахс тугатилганида, ерларни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганида, ёки бекор бўлганда, тупроқ унумдорлигини пасайтирганда, экологик талабларга риоя қилинмаганда ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда бекор қилиниши. Бекор қилиш ер тузиш давлат хизмати ёки давлат назорати органларининг тақдимномасига биноан туман, шаҳар, вилоят, ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ амалга оширилади (Ер кодексининг 36-моддаси). Ер ҳуқуқи субъектларини ер участкасига бўлган ҳуқуқидан воз кечишдан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганда, белгиланган муддатдан кўпроқ фойдаланилганда) содир этилганда ер участкаси эгасиз мол-мулк сифатида олиб қўйилади. Ер участкасига бўлган ҳуқуқдан воз кечиш мазкур ердан фойдаланувчи мажбуриятларининг ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан

узоғи билан бир йил мобайнида бекор қилинишига сабаб бўла олмайди.

**Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш** – давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун туман, шаҳар, вилоят ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ер участкасини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар, ёки мулкдорлардан олиб қўйилиши. Ер кодексининг 37-моддасига мувофиқ ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачилардан ерлар олиб қўйилганда улар ушбу қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидирлар. Корхона, иншоот ва бинолар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган юридик шахслар лойиҳалаш бошлангунга қадар ушбу масалани туман, шаҳар, вилоят ёки Вазирлар Маҳкамаси билан келишишлари шарт, акс ҳолда лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Мулк ҳуқуқида бўлган ер участкаларини олиб қўйиш Ер кодексининг 41-моддасида белгиланган кафолатларга риоя қилган ҳолда қайта сотиб олиш орқали ва тегишли туман, шаҳар, вилоят ёхуд Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади.

**Ер қонунчилигини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш** – Ер кодексининг 36-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бу-

зилган бошқа ҳолларда ердан фойдаланишни назорат қилиш органлари ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантиргандан кейин ер участкасини берган орган ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритгандан сўнг (илова 11-15-шакллар) бир ой муддат ичида тегишли орган қарор чиқариши, айрим зарур ҳолларда, Ер кодексининг 38-моддасига биноан ваколатли орган ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қайта текширтиришга ҳақлидир.

**Ер участкасини мусодара қилиш** – ерга нисбатан мулк ҳуқуқи бўлган субъектлар томонидан жиноят содир этилган ҳолда ер участкаларини давлат ҳисобига мажбурий равишда олиб қўйилишини назарда тутадиган жиноий жавобгарликнинг жазо тури.

**Ер участкасини қайтадан сотиб олиш** – юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, чет эл фуқароларининг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёки уй-жой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун Ер кодексининг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланганда тегишли туман, шаҳар, вилоят ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қайта сотиб олиниши.

## *43-схема.* Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик

| *Ер қонунчилигининг бузилиш турлари* | *Жавобгарлик** |
|---|---|
| Ноқонуний битимлар: олди-сотди, совға қилиш, гаров, сохта тадбиркорлик, ўзбошимчалик билан айирбошлаш | ЖК-175, 179, 197. МЖК-60. ФК-112 |
| Ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик | МЖК-105-106. ЖК-197, 270. ЕК-90. ТМҚҚ-47-48,52 |
| Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш | ЖК-204, 229[1]. ФК-985. ЕК-90, 91. ТМҚҚ-47 |
| Ерларни яроқсиз ҳолатга келтириш, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувлари билан ифлослантириш | МЖК-77, 89, 91, 104. ЖК-193-197, 201. ФК-985. ТМҚҚ-47-51. МК-181 |
| Ер ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи объектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаштириш ва фойдаланишга топшириш | МЖК-96. ТМҚҚ-47. ЖК-193 |
| Экологик талабларни бажармаслик | МЖК-91. МК-181. ЖК-172, 197. ТМҚҚ-47-52 |
| Вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузиш ёки ерларни белгиланган мақсадларда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаслик | МЖК-67. ЖК-197. ТМҚҚ-47-51. ФК-985 |
| Ўзгаларга қарашли марза белгиларини йўқ қилиш | МЖК-69. ЖК-197. ЕК-90. ФК-985 |
| Давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатиш | МЖК-68. ЖК-209. ТМҚҚ-47 |
| Ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва чорва молларини боқиш | МЖК-82. ЖК-197. ТМҚҚ-47. ФК-985 |
| Ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаслик | МЖК-107. ЖК-199 |
| Ерлардан хўжасизликларча фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омилларга йўл бериш, ерларнинг ҳолатини ёмонлаштириш | МЖК-65, 95. ЖК-195, 197. МК-181. ФК-985 |
| Ер участкаларини бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ва тартибларини бузиш | МЖК-58, 66. ЖК-205, 208 |

* **ЖК** – Жиноят кодекси, **ФК** — Фуқаролик кодекси, **МЖК** — Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, **МК** — Меҳнат кодекси, **ЕК** — Ер кодекси, **ТМҚҚ** — Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун; ***175, 985...*** - Кодекс ва қонун моддалари.

**Юридик жавобгарлик белгилари** – юридик жавобгарлик моҳияти ва мазмунини белгиловчи зарурий белгилар. Улар қуйидагилардан иборат: у ёки бу ҳуқуқбузарликни ижтимоий хавфлилик даражаси; огоҳлантирувчининг характерга эга бўлиши ва ҳуқуқбузарнинг онгига тезкор ва ўз вақтида таъсир эта олиши, ер қонунчилигининг ҳамма нормалари ва талабларини қамраб олиши.

**Ер ҳуқуқида жиноий жавобгарлик** – Жиноят кодекси (14-модда), Ер кодекси (90-модда) ва умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларида кўрсатилган жиноятнинг ҳамма белгиларини ўзида акс эттирган *жазога сазовор қилмиш*. Ушбу қилмиш бир пайтнинг ўзида ҳам жиноий, ҳам ер ҳуқуқий нормаларини бузган ҳисобланади.

Жиноят кодексида ерга оид ҳуқуқий муносабат талабларини бузганлик учун 5 тусдаги:

1)экологик тусдаги (193-196 моддалар);

2)ташкилий тусдаги (205-208 моддалар);

3)ер-ҳуқуқий тусдаги (197, 229-моддалар);

4)билвосита тусдаги (198-204 моддалар);

5)иқтисодий ва ижтимоий тусдаги (175, 179, 180, 184, 270-моддалар) жавобгарлик назарда тутилган.

**Ер ҳуқуқида маъмурий жавобгарлик** – маъмурий ва ер қонун ҳужжатларида белгиланган, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли) ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг ҳамма белгиларини ўзида акс эттирган *ғайриқонуний қилмиш.*

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда инобатга олинган ер муносабатлари нормалари ва талабларини бузганлик учун 4 тусдаги жавобгарлик назарда тутилган. Улар:

1)иқтисодий тусдаги айб (65-моддалар);

2)экологик тусдаги айб (70, 95-моддалар);

3)ташкилий тусдаги айб (66, 89, 91, 96-моддалар);

4)ер тусдаги айб (65, 77-моддалар) дан иборат.

**Ер ҳуқуқида интизомий жавобгарлик** – меҳнат қонун ҳужжатларида келтирилган айбларнинг ҳамма белгиларини ўзида акс эттирган ғайриқонуний қилмиш. Интизомий жавобгарлик доимий ёки вақтинча (муддатли) ишловчи шахсларга ва меҳнат фаолияти давомида уларга юклатилган иш вақти мобайнида ички ер қонун ҳужжатларига риоя этиш талабларини бузганлик учун қўлланилади.

**Ер ҳуқуқида фуқаровий жавобгарлик** – фуқаролик ва ер қонун ҳужжатларида белгиланган айбдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли етказилган зарар. Бошқа юридик жавобгарликлардан фарқли ўлароқ фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик ер қонунчилиги нормаларидаги мулкий ва номулкий зарарни тўлиқ ҳолда қоплашни назарда тутади.

**Ер-ҳуқуқий жавобгарлик** – ерга оид ҳуқуқий муносабат нормаларида белгиланган *алоҳида бир ғайриқонуний қилмиш.* Гарчанд ҳуқуқшунослар томонидан ушбу жавобгарлик тури назарий ишлаб чиқилмаган бўлса-да, амалиётда уни татбиқ этишмоқда. Ер-ҳуқуқий жавобгарлик айбдор ёки айбдор ҳисобига маълум бир ҳаракатларни (ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ва ундан фойдаланилган ер участкасини яроқли ҳолга келтириш, марза белгиларини тиклаш ва ҳ.к), ҳоким ёки махсус ваколатли шахс қарорига биноан, бажаришнинг талаб этилишидир.

## *44-схема.* Ер қонунчилигининг бузилиши ҳақидаги маълумотлар



**Ерга оид қонунбузарлик** – ер конун ҳужжатлари меъёрлари ва талабларининг ер муносабатлари субъектлари томонидан бузилиши. Ўзбекистон Республикасида махсус давлат назоратини олиб борувчи Ер ресурслари давлат қўмитасининг инспекторлари томонидан 1999 йилда олиб борилган иш натижалари қуйидаги маълумотларни кўрсатади: ушбу ҳисоб берилган йилда ер ресурсларидан фойдаланишнинг назорати бўйича 47240 гектар майдонда 3258 та текширув ўтказилган. Улардан 46532 гектарида 3152 та субъект томонидан ер қонунчилик талаблари бузилганлиги аниқланди. 1731 та қонунбузарлик (34939 гектар майдонда) бўйича (мазкур китобнинг илова қисмида берилган ҳужжатлар тўлатилиб), ер масалаларини кўриб чикувчи комиссияларга топширилди. 11593 гектар ер участкаси бўйича 1471 та субъект иши суд органларига оширилди ва улардан 947 тасига суд томонидан тегишли жавобгарликлар бўйича қарор чиқарилди. 701 қонунбузар субъектлардан 13,2 млн сўм миқдорда жарима ундириб олинди, 6 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 14920 гектар ер 2552 ҳолат бўйича ўз эгаларига қайтариб берилди (Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати бўйича ҳисобот. –Т., 2000).

**Ер қонунбузарлиги турлари** – ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда миллий ва халқаро юридик жавобгарлик нормаларида белгиланган талабларни бузиш тоифалари. Ушбу қонунбузарлик турлари асосан Ер кодексининг

90-моддасида кўрсатиб ўтилган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Маъмурий, Фуқаролик, Меҳнат кодексларининг юқорида таъкидлаб ўтилган (42-схема) моддаларида акс эттирилган. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик турлари бўйича энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик ерлардан хўжасизларча фойдаланиш (35799 га), яъни ер ҳолатини яхшиловчи чора-тадбирларни қўлламаслик, тупроқларни сув ва шамол эрозияси, шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнлари натижасида бузилишдан олдини олмаслик. Ер ҳолатини яхшиловчи чора-тадбирлар (ўз вақтида органик ва минерал ўғитлар солиш, ҳайдаш, чопиқ қилиш ва ҳ.к) ер муносабати қатнашчиларининг ердан хўжасизларча фойдаланиш тури бўйича энг кўп қайтариладиган туридир. Ер қонунбузарлик турлари ичида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш каби ҳуқуқбузарликлар айниқса деҳқон хўжаликлари томонидан жуда кўп маротаба қайд этилган.

**Ер қонунбузарлик субъектлари** – ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрлари ва талабларини бузувчи давлат органлари, мансабдор, жисмоний ва юридик шахслар. 1999 йилда ушбу субъектлар ичида қишлоқ хўжалигида энг кўп ер қонунчилигини бузганлар деҳқон хўжаликлари (умумий қонунбузарликдан 52,6 фоизи) ва энг кам қонунбузарлик эса фермер хўжаликлари (11,9 фоиз) дир. Шунинг учун ҳам ушбу ер қонунбузарликлари бўйича қонун ҳужжатларини яна бир бор қайта кўриб чиқиш, уларда жазо санкцияларини эса кучайтиришни талаб этади.

## II ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР ТОИФАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Мазкур қисм русча вариантида "Алоҳида қисм" деб номланган бўлиб, у ер қонунчилигида ерларни фойдаланиш мақсадларига қараб таснифланган саккиз турдаги ер тоифаларининг ҳуқуқий ҳолатини очиб беришга бағишланган. Алоҳида бир тоифага ажратилган ерларнинг ҳуқуқий ҳолатини таърифлаш учун зарур бўлган ҳуқуқий муносабатлар объекти, махсус ваколатланган давлат органлари, ушбу муносабатлар субъектлари ва уларнинг мазмуни ҳамда ерга оид муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмини схемалар, тушунчалар ва маълумотларда ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Мавзуларни ёритиб бериш тартиби ер қонунчилигида берилган кетма-кетлик асосида, яъни мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш ва инсонлар ҳаётида ер тоифаларининг тутган ўрни ҳамда уларнинг аҳамиятига қараб жойлаштирилгандир.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи республикамиз учун ўта долзарб муаммо, аграр соҳа эса приоритет йўналиш бўлганлиги учун ҳам уни

бошқа ер тоифаларига нисбатан батафсилроқ ёритиб беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Алоҳида бир ер тоифаларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда ер қонунчилиги қуйидаги тамоиллларни инобатга олади:

*Биринчидан* – тупроқларни, айниқса, юқори қимматга эга бўлганларини қишлоқ хўжалигида фойдаланиш;

*Иккинчидан* – суғориладиган ерларни иложи борича ноқишлоқ ва ўрмон хўжалиги ер тоифаларидан чиқармаслик;

*Учинчидан* – ерлардан қандай мақсадларда фойдаланилмасин, уларни муҳофаза қилиш талабларининг мажбурийлиги;

*Тўртинчидан* – ҳар бир ер тоифаларининг экологик вазифасини йўқотиб қўймаслик.

***45-схема.* Ўзбекистон Республикаси ер фонди динамикаси** (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотларига кўра)



**Ўзбекистон Республикаси ер фонди** – Ўзбекистон Республикаси чегараси доирасидаги қуруқлик қисми. У ягона тизимдаги табиий объектларнинг бир қисми бўлиб, халқ хўжалиги нуқтаи назаридан ўзига хос турли кўрсаткичларга ва хусусиятларга эга бўлган (тупроқ унумдорлиги, ўрмон ва сув билан қопланганлиги, фойдали минерал қазилмаларнинг мавжудлиги ва ҳ.к) ва унинг турли тармоқларида тегишли равишда ишлатиладиган объектдир.

**Ер фонди тоифалари** – Ўзбекистон Республикаси ер фондидан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра гуруҳлаштириш. Республикамиз ер фонди Ер кодексининг 8-моддасига мувофиқ қуйидаги тоифаларга ажратилади:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
2) аҳоли пунктларининг ерлари;
3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекрация мақсадларига мўлжалланган ерлар*;

* Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва объектларнинг ерлари.

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар *;

6) ўрмон фонди ерлари;

7) сув фонди ерлари;

8) захира ерлар.

**Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари** – тарихий-маданий, экологик, илмий, эстетик, санитар-соғломлаштириш, маданий ҳордиқ чиқариш каби мақсадларни кўзлаб давлат томонидан алоҳида эътибор билан хўжалик фаолиятини чеклаш ёки ман қилиш орқали муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва объектларнинг ерлари. Ер кодексининг 71-моддасига мувофиқ алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерларига қуйидагилар киради:

1) табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар;

2) соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар;

3) рекрация мақсадларига мўлжалланган ерлар;

4) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.

---

* Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва объектларнинг ерлари.

## *46-схема.* Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати



**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибига қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерлар ҳам киради (Ер кодексининг 43-моддаси).

2000 йил 1 январь ҳолатига биноан қишлоқ хўжалигига мўлжаланган ерлар 25,8 млн. га ёки Ўзбекистон ер фондининг 58,1 фоизини ташкил қилган.

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қиммати** – Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар асосан унумдор тупроқ қатлами билан қопланганлиги учун ҳам бошқа ер фонди тоифасидаги ерларга нисбатан қимматлироқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш биринчи навбатда ва махсус йўллар билан амалга оширилиши керак (Ер кодекси 6-боб). Ундан ташқари ушбу ерлар нафақат иқтисодий, балки экологик вазифаларни бажаришда ҳам алоҳида ўрин тутади, чунки унда тупроқ ва унинг унумдорлик хусусияти иштирок этади.

**Тупроқ** – унумдорлик хусусиятига эга бўлган, мустақил шаклланган, табиий-тарихий органик ва минерал таркибли табиат жисми. Ўзбекистонда 100 дан ортиқ тупроқ турлари учрайди ва улар келиб чиқиши (генезиси) ва географик тарқалишига қараб, вертикал тоғ тупроқлари

(баланд тоғ оч тусли қўнгир, жигарранг ва ўрта тоғ қўнғир, бўз, бўз-ўтлоқи ва шу каби) ва чўл минтақасидаги тупроқларга (қўнғир тусли, кумли чўл, тақир, тақирли, тақирли-ўтлоқ, ўтлоқли-тақир, чўл минтақасидаги ўтлоқ ва) ажратилади. Аммо тупроқшунослик фанида суғориладиган тупроқлар алоҳида турларга ажратиб олинади, чунки уларнинг инсонлар томонидан ўзлаштирилиши ва маданийлаштирилиши давомида ўзига хос генетик кесма кўринишга эга бўлган антропоген тупроқлар юзага келади.

**Тупроқ киммати** – тупроқнинг унумдорлик хусусиятларига қараб баҳоланиши. Унумдорлик эса ўсимлик дунёсининг ўсиб-ривожланиши учун керак бўладиган барча шароитни яратиб беради. Тупроқ биосферанинг алоҳида бир қисми бўлиб, ер устидаги қумлар, тогу-тошлар, шағаллар ва бошқа минераллардан ўзининг унумдорлик хусусияти билан ажралиб туради.

**Тупроқ унумдорлиги** – тупроқнинг ўсимлик дунёсини озуқа элементлари, намлик, ҳаво, иссиқлик каби ҳаётий зарур шароитлар билан узлуксиз таъминлаб тура олиш қобилияти. Тупроқ унумдорлиги ўзгарувчан ва турли даражадаги кўрсаткичдир. У нафақат тупроқ турлари, балки бир турнинг ўзида маҳаллий шароит ва кетаётган табиий-техноген жараёнларга қараб ҳам фарқ қилади. Тупроқ унумдорлиги эталони қилиб Ўрта рус минтақасидаги *қора тупроқларни* (Воронеж области) олиш қабул қилинган.

**Тупроқлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш** – амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан келиб

чиқадиган ижтимоий муносабатларни давлат ва жамоат томонидан бошқариб бориш. Ушбу ҳуқуқий тартибга солиш Ер кодекси, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Давлат ер кадастри, Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) тўғрисидаги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси каби *умумий* ва *ихтисослаштирилган* қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилинган "Ерлардан самарали фойдаланишни оширишнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори каби қонун ости ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Афсуски, ушбу ҳуқуқий нормалар шу кунда тупроқни сақлаб қолиш ва унинг унумдорлик хусусиятини тиклашда ўз самарасини тўлиқ кўрсата олаяпти дейиш қийин. Шунинг учун ҳам биз (Ўзбекистон экологик хабарномаси, 1998 йил,1-сон.) "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ва ер-ҳуқуқий механизмини қайта ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига эса "тупроқни" алоҳида бир табиий объект сифатида киргизишни таклиф қилган эдик.

**Қишлоқ хўжалик ерлари** – нисбатан фойдаланиши бир хилда бўлган ёки маълум бир хўжалик юргизиш белгилари билан бирлаштирилган қишлоқ хўжалик ерларини гуруҳлаштириш. Ер кодексининг 43-моддасига мувофиқ республикамизда қуйидаги турдаги қишлоқ хўжалик ерлари ажратилади – ҳайдалма ерлар (4056,8 минг га), пичанзорлар ва яйловлар (22263,4 минг га), бўз ерлар (80,7 минг га), кўп йиллик дов-дарахтлар (352,9 минг га). Кўп йиллик дов-дарахтларга—боғлар, узумзорлар, тут-

зорлар, мевали дарахт ва буталар етиштириладиган ерлар, яъни кўп йил мевасидан ҳосил олинадиган дов-дарахтлар киради.

**Суғориладиган ерлар** – қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришини таъминлай оладиган, суғориш манбаи билан боғланган доимий ва муваққат (вақтинчалик) суғориш тармоғига эга бўлган ерлар (тўғрироғи тупроқлар). Ер кодексининг 44-моддасига биноан суғориладиган ерлар *махсус муҳофаза қилиниши лозим* ва уларни бошқа тоифадаги ерларга *ўтказиш алоҳида зарур ҳолларда*, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб, *Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган* ҳолда *вилоят ҳокими қарорига* биноан амалга ошириш мумкин.

**Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар** – кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан (тупроқнинг сифат жиҳатидан баҳоланишидан) 20 фоиздан кўп баллга эга бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари. Ушбу ерлар давлат томонидан *алоҳида муҳофаза қилинади* ва уларни *суғорилмайдиган ер тоифаларига ўтказишга йўл қўйилмайди.* Ушбу ерларда корхоналар, бинолар ва иморатлар қурилиши алоҳида ҳолларда *Вазирлар Маҳкамасининг қарорига* биноан йўл қўйилади (Ер кодексининг 45-моддаси).

## *47-схема.* **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш**

| ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИНИ БЕРИШ | | |
|---|---|---|
| | *Қ/х кооператив(ширкат)ларига* | ўрта ва йирик товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун |
| | *Қ/х корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига* | товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун |
| | *Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-ишлаб-чиқариш, илмий-тадқиқот ва бошқа қ/х корхоналарига* | илмий изланишлар ва ўқитиш мақсадларида, товар ва қ/х ишлаб чиқариш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун |
| | *ЎзР фуқароларига* | ♦ фермер хўжалиги<br>♦ деҳқон хўжалиги<br>♦ жамоа тартибидаги боғдорчилик, полизчилик ва узумчилик<br>♦ якка тартибдаги боғдорчилик, полизчилик ва чорвачилик учун |
| | *Нoқишлоқ хўжалик корхона, муассаса ва ташкилотларига* | ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун |
| | *ва бошқа юридик ва жисмоний шахсларга* | қишлоқ хўжалигини юритиш ва ўзга мақсадлар учун |

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш** – махсус ваколатли давлат органлари томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер фондидан ер қонунчилигига мувофиқ ер муносабати субъектларига эгаллаш, фойдаланиш, ижара ва мулк сифатида берилиши.

**Фуқаролар** – маълум бир давлатга тегишли бўлган жисмоний шахс. Ер қонун ҳужжатларида ер муносабатлари иштирокчиси сифатида фуқаролар – Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган жисмо-ний шахсларга ажратилади.

**Қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари** – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи давлат ёки нодавлат ташкилотларига тегишли юридик шахслар. Уларга тегишли бўлган ер майдонлари 244,7 минг га ёки 0,9 фоиз қишлоқ хўжалик ерларини ташкил этади (2000 йил 1 январь ҳолатига биноан).

**Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати)** – товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект

(Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси). Ушбу қонуннинг 14-моддаси ва "1998-2000 йилларга мўлжалланган даврда кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида"ги давлат дастурига биноан ширкат хўжалигига ерлар доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан йирик товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун берилади. Агар улар ўз ер участкаларидан унумли ва самарали фойдаланадиган бўлсалар, қонун ҳужжатларида кўрсатилган тарзда, ижара ёки вақтинчалик (муддатли) фойдаланиш ҳуқуқи билан қўшимча ер участкаларини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ширкат хўжаликлари ерлари жамоа ва деҳқон хўжаликлари ер участкаларидан иборатдир. Улар ушбу ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланишлари керак.

Ўзбекистонда ширкат хўжаликлари эгаллаган ер майдони 2000 йил январь ойига келиб 25296,0 минг га ёки 98 фоиз қишлоқ хўжалиги-га мўлжалланган ерларни ташкил этган.

**Ноқишлоқ хўжалик корхона, муассаса ва ташкилотлари** – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган юридик шахс мақомидаги давлат ёки нодавлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари. Лекин улар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер

участкаларини ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун олиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар асосан майда ва ўрта товар қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириб, ўз қарамоғидаги ишчи-хизматчиларни ҳўл мева, янги полиз ва саб-завот маҳсулотлари билан таъминлашни ҳамда ўзларининг моддий хомашё ва ресурсларидан кенг фойдаланишни мақсад қилиб қўяди.

Уларнинг эгаллаган ер майдони Ўзбекис-тонда 164,1 минг га ёки қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 0,6 фозини ташкил этган.

**Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув ишлаб чи-қариш, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари** – илмий изланишлар, ўсимликларнинг янги нави ва ҳайвонларнинг янги зотларини яратиш, ўқитиш ва илғор таж-рибаларни оммалаштиришни дала (ишлаб чиқа-риш) шароитида олиб бориш фаолиятини юрга-зувчи юридик шахс мақомидаги давлат корхо-налари, ташкилотлари ва муассасалари.

Уларнинг эгаллаган ер майдони 2000 йил январь ойига келиб 77,5 минг га ёки қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 0,3 фоизи-ни ташкил этган.

**48-схема.** **Товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчилар учун ер участкаларини бериш**

**ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ БЕРИШ**

| *Субъектлар* | *Фойдаланиш шакли* | *Ташкил этиш шартлари ва ер ажратиш* |
|---|---|---|
| Ширкат хўж ва бошқа қ/х корхона, ташкилот, муассасаларга | доимий эгалик қилиш | пай жамғармалари ва уларни мулкий пайларга ҳамда оилавий (жамоа) пудрат асосида бўлиш |
| Қишлоқ жойларда яшайдиган ва ўз молига эга бўлган фуқароларга | муддатли фойдаланиш | пичанзор ва яйловлардан фойдаланиш бўйича ўрнатилган меъёрларда |
| Ёрдамчи хўжаликларга | доимий фойдаланиш | захирадаги ёки тўлиқ ишлатилмаётган ерлардан маҳаллий имконият даражасида |
| Жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини олиб борувчи фуқароларга | умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш | боғдорчилик – узумчилик ширкатларига бириккан ҳолда 0,06 га. гача (ободончилик бўйича ҳам) захира, ўрмон фонди ва но қ/х корхоналари ерларидан |
| Жамоа полизчилигини олиб борувчи фуқароларга | муддатли фойдаланиш | полизчилик ширкатларига бириккан ҳолда 0,08 га. гача ободонлаштириш билан бирга вақтинчалик ишлатиладиган ноқишлоқ хўжалиги ёки кам ҳосилли қ/х корхоналари ерларидан |
| ва бошқа субъектларга | ер қонун ҳужжатларига биноан | |

## *49-схема.* Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер бериш

***Фермер хўжалиги учун ер участкаларини бериш***

*захира, махсус республика фонди, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлар ва янги суғориладиган мавзелар ҳамда зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қ/х корхоналари ерларидан*

**чорвачиликка ихтисослаштирилганига**

Камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шарти билан

| коэффициентда: | |
|---|---|
| 1,0 | қорамол ва от |
| 0,6 | ёш қорамол |
| 0,3 | чўчқа |
| 0,1 | қўй ва эчки |
| 0,025 | парранда |

| 1 шартли бош чорва моллари учун энг кам ўлчами (га ҳисобида) | |
|---|---|
| 0,30 | Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм, Самарқанд вилоятларида |
| 0,45 | Жиззах,Навоий,Сирдарё,Қашқадарё,Сурхондарё вилоятлари, Қ. Қ. Республикасида |
| 2,0 | суғориламйдиган лалми ерларда |

**ўсимлик етиштиришга ихтисослаштирилганига**

Пахтачилик ва бошокли дон экинларини етиштириш учун — энг камида 10 га

Боғдорчилик, узумчилик ва бошқа қ/х маҳсулотларини етиштириш учун — энг камида 1 га

**Фермер хўжалиги** – ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзолари (хотини ва эри, болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар)нинг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи шахсдир (Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 1 ва 3-моддалари).

**Фермер хўжалигига ер бериш тартиби** – Ўзбекистон Республикаси фуқароларига фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси 10 йилдан 50 йилгача бўлган муддатта *ижара асосида* захира, республика махсус фонди меҳнат ресурслари етишмайдиган хўжаликлар, янги суғориладиган мавзе, зарар кўриб ишлаётган ва кам рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерларидан ҳоким ва ширкат хўжалиги умумий йиғилиши қарорларига биноан берилади. Агарда фермер хўжаликлари ўзларига берилган ер участкаларидан унумли фойдаланадиган бўлсалар, ширкат хўжалиги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ *қисқа муддатли ижарага* қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш, озуқа ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва яйлов мақсадларида *қўшимча ер участкалари* берилиши мумкин. 2000 йил январь ойига келиб, фермер

хўжаликларининг сони 28,5 минг гектарга, эгаллаган майдони эса 610,4 минг гектарга етди.

**Лалми ерлар** – ёғин-сочинлар ёки ер ости сувлари ҳисобига тупроқ қатламида намликнинг йиғилиши орқали ўсимлик дунёси учун зарур бўлган табиий унумдорлик ҳолатидаги ерлар. Ер қонунчилигидан фарқли ўлароқ, деҳқончиликда лалми ерларни икки қисмга ажратиб олинади: *лалми ерлар* – ҳайдалиб, лекин сунъий суғормай деҳқончилик қилинадиган ерлар, *яйловлар* – ҳайдалмасдан ва суғормасдан чорва моллари-ни боқадиган ўтлоқлар. Ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган лалми ерларнинг умумий майдони 743,0 минг гектар. Уларда табиий намликнинг йиғилиши даражасига қараб учга ажратилади: *таъминланган лалми ерлар* (99,8 минг га), *ярим таъминланган* (553, 7 минг га), *таъминланмаган* (89,5 минг га). Шундай қилиб республикамизда лалми ерларнинг 75 фоизи ярим таъминланган ҳайдалма ерлардан иборат, яъни табиий ҳолати доимо ҳам маданий ўсимликлар етиштириш учун табиий унумдорликка эга эмас дегани. Яйловлар (жумладан, пичанзорлар)нинг умумий майдони 22263,4 минг гектар ёки республикамиз ер фондининг 1/2 қисмини эгаллаган.

**Чўл минтақаси** – қуруқ иқлимли ва ўсимликлар билан сийрак қопланган ўрмонсиз ҳудудлар. Ер қонунчилигида "чўллар" деганда паст тоғлар ва тоғолди вертикал минтақасида жойлашган ерларни тушунмоқ керак.

**Саҳро минтақаси** – арид (ўта қуруқ) иқлимли ва ўсимликлар билан сийрак қопланган ўрмонсиз ҳудудлар. Улар асосан республикамизнинг текислик қисмида жойлашган. Ўзбекистонда саҳро минтақасидаги ҳудудлар ер фондининг 75 фоизини ёки 30 млн. гектарини ташкил этади.

**Ғаллачилик** – бошоқли дон экинлари етиштиришга йўналтирилган деҳқончилик тури. Бошоқли дон экинларига – буғдой, арпа, жўхори, сули, гуруч, тариқ, гречка каби маданий ўсимликлар киради. Ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган лалми ерларда етиштирилади. Лекин кейинги 10 йил давомида ғалла экинларини суғорма ерларда етиштириш кенг йўлга қўйилди, чунки сунъий суғориш натижасида уларнинг ҳосилдорлиги 4-5 баробаргача ошиши мумкин.

**Қорамол** – кавш қайтарадиган қўш туёқли уй ҳайвони, сигир, буқа, ҳўкиз. Чорвачиликда ёш қорамолга 8 ойликкача бўлганлари киритилади.

**Шартли бош чорва мол коэффициенти** – бош чорва молларнинг доимий кўрсатгичи. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун 30 шартли бош чорва молини 49-схемада кўрсатилган уй ҳайвони турига қараб, коэффициентларга бўлиш орқали олинади. Масалан, 30 : 0,3 = 100 та чўчқа, 30 : 0,1 = 300 та қўй ва эчки ва ҳ.к. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарорига мувофиқ бош чорва мол турли кўринишдаги уй ҳайвонларининг жамидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

## *50-схема.* Деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер бериш



**Деҳқон хўжалиги** – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган, томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра, юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин (Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси).

**Деҳқон хўжаликларига қўшимча ер бериш** – томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжаликларига ширкат хўжалиги бошқаруви (томонидан умумий мажлиснинг қарори асосида), бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг юқори бошқарув органи, яъни иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва реализация қилиш, ем-хашак ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, яйлов яратиш учун қисқа муддатли (3 йилгача) ижарага қўшимча равишда ер участкаси берилиши мумкин.

**Деҳқон хўжалиги ерларининг ҳуқуқий ҳолати** – деҳқон хўжалиги ер участкаларини мулк сифатида сотиш, сотиб олиш, совға қилиш, айирбошлаш мумкин эмас. Гаровга қўйиш эса "Гаров тўғрисида"ги қонуннинг 38-40-моддаларига мувофиқ деҳқон хўжаликлари кредит олаётганда ўзларига ажратилган ер участкаларини куч-

мас мулк (ипотека) сифатида гаровга қўйишга рухсат берилади. Деҳқон хўжалиги томорқа ерини бўлишга рухсат берилмайди, унинг ўлчами фақатгина деҳқон хўжалиги раҳбарининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Ерга пул тўлаш ер солиғи тариқасида амалга оширилади ва ер қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқий ҳолат элементларига эга.

**Деҳқон хўжалигининг ер участкасига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари** – Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ у ўз томорқа ер участкасига бўлган қуйидаги *ҳуқуқларга эга*: ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш, ер участкасига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, жумладан, ким ошди савдоси орқали сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш. Унинг *мажбурияти қуйидагилардан иборат*: табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш ҳамда ерни асраш, қонун ҳужжатларида бошқа муддат берилмаган бўлса, бир йил ичида ундан фойдаланишга киришиш (балл бонитети ёки кадастр баҳоси жуда паст бўлган ерларда томорқа ер участкасини ўзлаштириш муддати махсус ваколатли давлат бошқарув органлари томонидан бир йилдан ортиқ муддатни ҳам белгилаб бериши мумкин), агротехника талабларига, белгиланган ҳолат, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эгадирлар.

## 52-схема. Аҳоли пунктларида ер участкаларини бериш

**ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ БЕРИШ**

| *Ер таркиби* | *Субъектлар* | *Фойдаланиш шакли* | *Бериш мақсади* |
|---|---|---|---|
| Шаҳар ва посёлка қурилиши | Корхона, ташкилот ва муассасаларга | Доимий фойдаланишга | Уй-жой, маданий-маиший, саноат ва бошқа турдаги капитал қурилишига |
| | | Муддатли фойдаланишга | Енгил турдаги объектлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари...) қуриш ва ўзга эҳтиёжларга |
| | | Умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдиришга | Якка тартибда уй-жой қуриш ва уни ободонлаштириш |
| Умумий фойдаланиш | Юрид шахс ва фуқароларга | Муддатли фойдаланишга | Маданий-маиший ва коммунал-маиший объект, сув ҳавзаларининг атроф зонаси, енгил турдаги мақсадли иморат ва иншоотлар, фақат ариқ ва йўллардан ташқари |
| Қ/х да фойдаланиладиган ва бошқа ерлар | Қ/х ва ўрмон/х корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига | Эгаллашга | Ҳайдалма ер, боғ, узумзорлар ва бошқа қ/х ерлар суғориш, қуритиш, йўл шохобчалари ва уларнинг бошқа иншоотлар билан бирга |
| Дарахтзорлар эгаллаган | Туман ва шаҳар ҳокимиятлари ихтиёрида | Эгаллашга | Аҳоли дам олиши, микроиқлимни яхшилаш, атроф-муҳит муҳофазаси, санитария-гигиена, маданий эстетика, эрозиядан сақлаш, спорт билан шуғулланиш |
| Саноат, трансп. ва бошқа мақсад. мўлж. | Корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларга | Доимий фойдаланишга | Тегишли мақсадларда фойдаланиш |



51-схема. Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати



**Аҳоли пунктларининг ерлари** – шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар (Ер кодексининг 59-моддаси). Шаҳар ерларига шаҳар атрофи зоналари ҳам киради. 2000 йил 1 январга келиб Ўзбекистонда аҳоли пунктларининг ерлари 230,6 минг гектарни ёки умумий ер фондининг 0,5 фоизни ташкил этган. Ҳаммаси бўлиб республикамизда 122 шаҳар ва 115 шаҳар типидаги посёлкалар мавжуд.

**Шаҳар атрофи зоналари** – шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий, хўжалик ҳудудини ташкил этувчи шаҳар чегарасидан ташқаридаги ерлар (Ер кодексининг 60-моддаси). Шаҳар атрофи: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, аҳоли дам олиш ва шаҳарни ривожлантириш зоналаридан иборат бўлиши мумкин.

**Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари** – уй-жой, коммунал-маиший, маданий-маърифий, саноат, савдо, маъмурий ва бошқа бинолар ҳамда иншоотлар қурилган ёки шундай бино ва иншоотлар қуриш учун берилган шаҳар ва посёлкалар чегарасидаги ерлар.

**Шаҳар ва посёлка қурилиши ерларини бериш** – *корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга* уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа турлари учун *фойдаланишга, фуқароларга* эса, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни обо-

донлаштириш учун *мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш*, *юридик* ва *жисмоний шахсларга* эса енгил турдаги объектлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуриш учун *вақтинча* фойдаланишга берилиши (Ер кодексининг 62-моддаси).

**Шаҳар ва посёлка қурилиши ерларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш** – шаҳар ва посёлка ерларида ер эгалари, фойдаланувчилар, ижарачилар томонидан бино ва иншоотларни қуришни чеклаш. Ер кодексининг 62-моддасига мувофиқ шаҳар ва посёлка қурилиши ерларида *ер участкасини бўлиш,* агар унинг бир қисми *коммунал-хизмат кўрсатиш* (канализация, электро-энергия, сув ва газ қувурлари, суғориш ва бошқа шаҳобчалар) имкониятига эга бўлмаса; машина ёки кишиларнинг *ўтишини* чеклайдиган бўлса; ёрдамчи *хўжалик бинолари* (гараж, отхона, огилхона, омборхона, ертўла ва шу кабилар) қуриш ушбу ер участкасида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар келтирса, *рухсат этилмайди.*

**Кўп хонадонли уйлар атрофларидаги ер участкалари** – икки ва ундан ортиқ хонадонга эга бўлган, бир ёки бир неча қаватли, ягона коммунал-маиший хизмат ва кириш-чиқишнинг ягона тизимига эга бўлган уйлар атрофидаги ер участкалари. Ушбу ерлар мазкур *уйлар бошқарувини* амалга оширувчи *ташкилотларга* (УЭК,

АК, маҳалла, уй-жой ширкатларига) доимий фойдаланиш учун берилади.

**Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари** – шаҳар ёки туман қарамоғида бўлган, юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилган шаҳар, посёлка ва қишлоқ аҳоли пунтклари (майдон, кўча, суғориш тармоғи, сув ҳавзалари атрофидаги зоналар, ўрмон-боғлар, ҳиёбонлар, қабристонлар, чиқитларни тўплаш ва утиллаштириш жойлари ва шу каби) ерлари. Ер кодексининг 64-моддасига мувофиқ йўл ва ариқ тармоқлари эгаллаган ерлардан ташқари ушбу ерлардан туман ва шаҳар ҳокимиятининг қарорига биноан юридик шахсларга ва фуқароларга *енгил иморат ва иншоотлар қуриш* учун *вақтинча фойдаланишга ижара шартлари* асосида берилиши мумкин.

**Аҳоли пунткларидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар** – шаҳар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг эгалигидаги ҳайдаладиган ерлар, боглар узумзорлар, тутзорлар, мевазорлар, полизлар, питомниклар, яйловлар, пичанзорлар, сугориш, зах қочириш ерлари. Ушбу ерларда маданий-маиший ёки ишлаб чиқариш иморатлари қуришни шаҳар ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади. (Ер кодексининг 65-моддаси).

**Шаҳар ва посёлкалардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар** – аҳолининг дам олишини ташкил этишга, шаҳардаги микроиқлимни, атмосфера ҳавосининг ҳолатини ва санитария-гигиена шароитларини яхшилашга, аҳолининг маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланган дарахтзорли ерлар. Улар таркибидаги дарахтзорлар билан банд бўлмаган ерларда спорт майдончалари ва бошқа ижтимоий муҳофаза объектларини қуришга рухсат берилади (Ер кодексининг 66-моддаси).

**Шаҳар ва посёлкаларда саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар** – тегишли вазифаларни бажариш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга берилган ерлар. Ушбу ерларда иморат ва иншоотлар қуриш *талабнома* асосида (лойиҳада кўрсатилган) ёки ишлаш даврида шаҳар ёки туман ҳокими қароридан сўнг амалга ошириш мумкин (Ер кодексининг 67-моддасига қаранг).

**Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари** – ер тузиш тартибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ерлар. Уларга қишлоқлар, овуллар, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерларидаги посёлкалар киради (Ер кодексининг 68-моддасига қаранг).

**53-схема. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар таркиби**






**54-схема. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати**



**Саноат ерлари** – саноат корхоналарига, шу жумладан, кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Транспорт ерлари** – темирйўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва қувурлар транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектлардан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Алоқа ерлари** – алоқа линиялари ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Транспорт, алоқа ва энергетика муҳофаза ерлари** – аҳоли пунктларидан ташқари ҳудудларда транспорт йўлларида кабель, радиореле,

электр ва алоқа линиялари ўтган ерларга туташ ерлар.

**Мудофаа ерлари** – Қуролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темирйўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашган ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар.

**Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар** – қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги аҳоли пунктлари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, захира ва сув фонди ерлари тоифасига кирмаган ерларни корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан турли халқ хўжалиги соҳаларида фойдаланиб келинаётган ерлар.

**Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни бериш тартиби** – махсус мақсадларга мўлжалланган ер участкалари ер қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фойдаланиш учун юридик шахсларга бериш. Улар ўз навбатида фойдаланилмаётган ер участкаларини (маълум бир қисмини) туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан вақтинчалик фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришлари мумкин.

**Саноат ерлари** – саноат корхоналарига, шу жумладан, кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Транспорт ерлари** – темирйўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва қувурлар транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектлардан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Алоқа ерлари** – алоқа линиялари ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Транспорт, алоқа ва энергетика муҳофаза ерлари** – аҳоли пунктларидан ташқари ҳудудларда транспорт йўлларида кабель, радиореле,

электр ва алоқа линиялари ўтган ерларга туташ ерлар.

**Мудофаа ерлари** – Қуролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темирйўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашган ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар.

**Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар** – қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги аҳоли пунктлари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, захира ва сув фонди ерлари тоифасига кирмаган ерларни корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан турли халқ хўжалиги соҳаларида фойдаланиб келинаётган ерлар.

**Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни бериш тартиби** – махсус мақсадларга мўлжалланган ер участкалари ер қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фойдаланиш учун юридик шахсларга бериш. Улар ўз навбатида фойдаланилмаётган ер участкаларини (маълум бир қисмини) туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан вақтинчалик фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришлари мумкин.

**Саноат ерлари** – саноат корхоналарига, шу жумладан, кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Транспорт ерлари** – темирйўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва қувурлар транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектлардан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Алоқа ерлари** – алоқа линиялари ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар.

**Транспорт, алоқа ва энергетика муҳофаза ерлари** – аҳоли пунктларидан ташқари ҳудудларда транспорт йўлларида кабель, радиореле,

электр ва алоқа линиялари ўтган ерларга туташ ерлар.

**Мудофаа ерлари** – Қуролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темирйўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашган ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар.

**Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар** – қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги аҳоли пунктлари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, захира ва сув фонди ерлари тоифасига кирмаган ерларни корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан турли халқ хўжалиги соҳаларида фойдаланиб келинаётган ерлар.

**Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни бериш тартиби** – махсус мақсадларга мўлжалланган ер участкалари ер қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фойдаланиш учун юридик шахсларга бериш. Улар ўз навбатида фойдаланилмаётган ер участкаларини (маълум бир қисмини) туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан вақтинчалик фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришлари мумкин.

## *55-схема.* Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг таркиби

***Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг тоифалари***

| *Табиатни муҳофаза қилиш* | *Соғломлаштириш* | *Рекрация* | *Тарихий-маданий* |
|---|---|---|---|
| Қўриқхоналар | Санаториялар | Пансионатлар | Тарихий-маданий қўриқхоналар |
| Миллий табиий боғлар | Профилакториялар | Дам олиш уйлари | Мемориал боғлар |
| Ботаника боғлари | Курортлар | Кемпинглар | Қабристонлар |
| Буюртма қўриқхоналар (ов теграларидан ташқари) | Шифохоналар | Туристик базалар | Археологик ёдгориклар |
| Табиат ёдгорликлари | Соғломлаштириш тегралари | Болалар спорт лагерлари | Тарихий ва маданий ёдгорликлар |
| Дендрологик боғлар | | Спорт-соғломлаштириш лагерлари | |
| | | Овчи ва балиқ овловчилар уйлари | |

## *56-схема.* Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг ҳуқуқий ҳолати

**АЛОҲИДА МУҲ. ЭТИЛ. ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

| | |
|---|---|
| *Мулк ҳуқуқи* | Давлат мулки<br>*ботаника, дендрология, ҳайвонот боғлари* бошқа мулк шаклида бўлиши мумкин |
| *Мақоми* | алоҳида давлат муҳофазасида<br>умумий (намунавий) ва махсус (индивидуал) |
| *Солиқ* | ер солиғидан озод қилинади<br>агар уларда хўжалик фаолияти юргазилса, ижара ёки ер солиғи солинади |
| *Олиб қўйиш* | ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан фавқулодда ҳолатларда |
| *Бошқарув* | ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимиятлар ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан |
| *Чеклаш* | озойишталик тегралари, умумий фойдаланиш ва транспорт воситалари юришини тақиқлаш орқали |
| *Ташкил этилади* | ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаган ривожлантириш ва жойлаштириш бош схемаларига биноан |
| *Давлат кадастри* | бюджет ҳисобига Ер ресурслари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, Ўзгеодез кадастр томонидан |
| *Бирга олиб борилади* | айрим ҳолларда ижтимоий йўналтирилган объектлар ва ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирлар |

**Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари** – табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекрация ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ер участкалари. Ушбу ерларда мақсадли фойдаланишга зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

**Алоҳида муҳофаза этиш** – ҳудуд ва объектлар бўйича белгиланган махсус вазифаларни бажариш учун хўжалик фаолиятини чеклаш ёхуд тақиқлаш орқали давлат томонидан алоҳида бир эътибор билан муҳофазалаш. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар мақсад ва вазифаларига кўра уч турга ажратилади: *табиий, тарихий-маданий, маъмурий* (ҳарбий полигонлар, қурол-аслаҳахоналар, ГЭС, АЭС, ТЭС ларнинг ҳудудлари ва ҳ.к.).

**Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар** – табиий ранг бarangликни сақлаб қолиш, экологик мувозанатни сақлаб туриш ва биосфера мониторингини олиб боришга, шунингдек, шикаст етган табиат мажмуаларини тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи, экологик, илмий, маданий, эстетик аҳамиятга молик ер участкалари. Ушбу ҳудудларга қўриқхоналар (жумладан, биосфера қўриқхоналари), миллий, табиий ва дендрологик боғлар, ботаника, ҳайвонот боғлари, буюртма қўриқхоналар (ов теграларидан ташқари), табиат ёдгорликлари киради. Улар давлат мулки ва унинг муҳофазасидадир. Лекин, 1993 йил 7 майда қабул қилинган Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига мувофиқ ботаника, дендрология ва ҳайвонот боғлари бошқа шаклдаги мулк асосида ҳам ташкил этилиши мумкин.

**Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар** – табиий шифобахш омилларга

эга бўлган, касалликларнинг олдини олиш ва даъволанишни ташкил этиш учун қулай, белгиланган тартибда тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ер участкалари (Ер кодексининг 73-моддаси). Ушбу ҳудудларнинг ерларини муҳофаза этиш учун *санитария муҳофазаси* зоналари белгиланади. Ана шу зоналарда уларнинг табиий шифобахш хоссалари ва аҳолининг дам олиши учун қулай шароитни муҳофаза қилишга зид фаолият тақиқланади.

**Рекрация мақсадларига мўлжалланган ерлар** – аҳолининг *оммавий дам олиши* ва *туризмни* ташкил этиш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилган ер участкалари. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ушбу ҳудудлар қулай географик ва иқлим шароитларига эга бўлгани учун ҳам улардан белгиланган мақсадларга мос келмайдиган хўжалик фаолиятини юргизиш тақиқланади. Масалан, Чорвоқ сув омбори ва Тошкент денгизи ҳамда Чимён тогидаги дам олиш теграләри рекрация мақсадаларига мўлжалланган ерларга киради.

**Тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар** – маърифий-маданий, илмий, эстетик вазифаларни бажарувчи тарихий-маданий қўриқхоналар, мемориал боглар, қабристонлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларининг тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ер участкалари. Ер кодексининг 75-моддасига мувофиқ уларнинг атрофида муҳофаза этиш ва бинолар қуришни тартибга солиш теграләри белгиланиши ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ҳисобига белгиланади.

## *57-схема.* Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати

| | | |
|---|---|---|
| **ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ** | *Таркиби* | ўрмон билан қопланган ҳамда қопланмаган, аммо ўрмон хўжали-ги эҳтиёжлари учун |
| | *Солиққа тортиш* | илмий ташкилотлар, тажриба, экс-периментал, ўқув-тажриба хўжа-ликлари, ИТИ ва ўрмон хўжалик ўқув юртлари солиққа тортил-майди |
| | *Мулк ҳуқуқи* | давлат мулки – умуммиллий бой-лик |
| | *Фойда-ланиш* | ўрмон хўжалиги корхона, ташкилот ва муассасаларига доимий эгалик қилиш<br>бошқа хўжалик юргазувчи идоралар ва юридик шахсларга вақтинчалик фойдаланишга ижара шартлари |
| | *Бошқа-рув* | ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимият-лар, Қишлоқ ва сув хўж. вазирлиги, Табиатни муҳ |
| | *Қўрикла-ниш тоифа-лари* | ўрмон ерлари, сув объектлари атро-фидаги ўрмонлар, овланадиган қим-матли балиқлар икра қўядиган жой-лари, эрозиядан сақлайдиган ўрмон-лар, темир ва автомобиль йўллари ёқа-сидаги иҳота дарахтзорлар, шаҳар ўр-монлари ва ўрмон-боғлар, аҳоли пунктлари ва саноат теграларари атроф-ларидаги кўкаламзорлар, сув таъми-ноти санитария ва курорт-санитария |
| | *Хўжалик юритиш* | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва ҳокимиятлар билан келишган ҳолда ҳамда экологик экспертиза ўтгандан сўнг ўрмонга таъсир қилувчи |

## *58-схема.* Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати

**СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

| | |
|---|---|
| *Таркиби* | сув ҳавзалри, гидротехника ва бошка сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, сув ҳавзалари ва сув объектларининг қирғоқлари бўйларида ажратилган минтакалар |
| *Мулк ҳуқуқи* | давлат мулки – умуммиллий бойлик |
| *Фойдаланиш* | юридик ва жисмоний шахсларга бир ёки бир неча мақсадларда фойдаланиш учун<br>фойдаланишда чеклаш давлат аҳамиятидаги сув объектларига ёхуд алоҳида қиммат ёки маданий аҳамиятга молик ерларда амалга оширилади |
| *Солиққа тортиш* | сув хўжалигини юритиш учун берилган ташкилот, корхона, муассасаларга қарашли сув фонди ерлари ер солиғидан озод қилинади<br>қолган ҳамма фойдаланувчилар солиққа тортиладилар |
| *Биринчи навбатда фойдаланиш* | ичимлик суви ва коммунал хизмат максадларида фойдаланиш |
| *Тақиқланади* | сув объектларига салбий таъсир этувчи хўжалик фаолияти сув фонди ерларида |
| *Олиб қўйилиши мумкин* | дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари, сув ҳавзаларининг қирғоқ бўйи минтақалари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ёки фойдаланувчиларидан |

### *59-схема.* Захира ерларининг ҳуқуқий ҳолати

**ЗАХИРА ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

| | |
|---|---|
| *Таркиби* | мулк сифатида реализация қилин-маган ёки эгаллаш, фойдаланиш ва ижарага |
| | мулк, эгаллаш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи тўхтатилган |
| *Солиққа тортиш* | солиққа тортилмайди |
| *Мулк ҳуқуқи* | давлат мулки – умуммиллий бойлик |
| *Давлат бошқа-руви* | туман ва шаҳар ҳокимиятлари ихтиёрида |
| *Биринчи навбатда берилади* | қишлоқ хўжалик мақсадларида |
| *Мақоми* | консервациялаш ёки хўжалик оборотидан чиқариш ва бошқа ЎзР қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда |

**Ўрмон фонди ерлари** – ўрмон билан қопланган ҳамда қопланмаган, лекин ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар (Ўрмон тўгрисидаги қонуннинг 7-моддаси). Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар (ўрмонзорлар билан қопланмаган) ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида иҳота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиш учун белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари таркибига ўтказилиши мумкин (Ер кодексининг 76-моддаси).

**Сув фонди ерлари** – Ер кодексининг 77-моддасига мувофиқ сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар) гидротехника ва боқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек, сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда, юридик ва жисмоний шахсларга бир пайтнинг ўзида бир ёки бир неча мақсадларда фойдаланиш учун берилган ерлар. 1993 йил 6 майда қабул қилинган Сув ва сувдан фойдаланиш тўгрисидаги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ сув объектларида, сувни муҳофаза қилиш зоналарида ва соҳил бўйларида бажариладиган ишларни амалга ошириш тартиби ўрнатилган.

**Захира ерлар** – юридик ва жисмоний шахслар эгалигига ҳамда фойдаланишига ижарага берилмаган, мулк этиб реализация қилинмаган барча ерлар. Бундай ерлар жумласига Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, ижарага олиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи бекор қилинган ерлар ҳам киради. Заҳира ерлар туман ва шаҳар ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ер қонунчилигида биринчи навбатда *қишлоқ хўжалиги мақсадларига бериш* кўзда тутилган.

# III ҚИСМ. ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЕР ҲУҚУҚИ

Ушбу қисмни алоҳида беришдан мақсад Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги, яъни бозор муносабатлари ва унинг тамойиллари асосида олиб боришни эълон қилди. Бу эса унинг ўзига хос табиий, ижтимоий, иқтисодий, геосиёсий, экологик шароитларини инобатга олган ҳолда мустақил йўлни танлаш билан бир қаторда халқаро миқёсда ерга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ижобий ёки салбий томонларини ўрганишга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Чунки халқаро ҳамжамиятга мустақил субъект бўлиб кирган Ўзбекистоннинг миллий ер қонунчилиги меъёрлари албатта халқаро ҳуқуқ андозаларга мос келиши ҳамда ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланиш керакдир.

Ер ҳуқуқи ўкув предмети Ер кодексидан ёки ер қонунчилигидан фарқли ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига тарихан, қиёсан ва истиқбол нуқтаи назардан қарайди.

Шунинг учун ҳам Ер ҳуқуқининг истиқболга йўналтирилган масалалардан бири маълум давлатлар юрисдикциясига ёки назоратига кирмаган халқаро ҳуқуқ объектларидан бири бўлган, жанубий қутбда жойлашган Антарктида ерларидан тинчлик мақсадларида давлатимизнинг фойдаланиш имкониятларининг борлигини талабаларга етказиб беришдан иборат. Ундан ташқари, ерга нисбатан турли мулк шакллари кўзда тутилган Россия Федерациясида ерларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ёритиб берилган.

Ҳуқуқ фан соҳаси ва ўқув предметининг ушбу йўсиндаги ички тузилмаси асосида Экология ҳуқуқига оид бир қанча адабиётлар чоп этилган. Ер эса экологик тизимларнинг ажралмас бўлаги ва унда кетаётган салбий жараёнлар ерга оид ҳуқуқий муносабатларга таъсир этмай иложи йўқ.

## *60-схема.* Хорижий мамлакатлар Ер ҳуқуқининг принциплари

**ЕР ҲУҚУҚИ ПРИНЦИПЛАРИ**

| | |
|---|---|
| Ерга нисбатан давлат, шахсий ва бошқа шаклдаги мулк ҳуқуқининг мавжудлиги | Умумий фойдаланишнинг пулсизлиги |
| Ер – экологик тизимнинг ажралмас бўлаги ва у географик асосда муҳофазаланади | Махсус фойдаланишнинг пуллилиги |
| Ерлардан унумли фойдаланиш ва муҳофазалаш рағбатлантирилади | Муддатсиз (доимий) фойдаланишнинг барқарорлиги |
| Ердан фойдаланишга комплекс ёндошув | Тупроқ муҳофазасига йўналтирилган деҳқончиликнинг афзаллиги |
| Ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилишда барча аҳоли гуруҳининг тенглиги | Ердан режали фойдаланиш |
| Хўжалик юритишнинг ҳамма босқичини экспертизалаш | Маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро шерикчилик ҳуқуқи асосида муносабат ўрнатиш |
| Ерларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни аҳолига бериб бориш | Халқаро ҳуқуқ субъектларининг қонунларида кўзда тутилган бошқа принциплар |

## *61-схема.* Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишдаги Халқаро ҳуқуқ принциплари

***Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишининг халқаро принциплари***

| *Умумий принциплар* | *Махсус принциплар* |
| --- | --- |
| ■ Давлатларнинг суверен тенглиги<br>■ Ҳар бир давлат ўз суверенитетига тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиши<br>■ Ҳар бир давлат ўзга давлатларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳурмат қилиши<br>■ Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақилликнинг дахлсизлиги<br>■ Ҳар бир давлат ўзига олган мажбуриятларни тўлигича ва ҳалол бажариши ва ўзга давлатлар билан тинч-тотув яшаши<br>■ Ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлигига қарши куч ишлатмаслик ва таҳдид солмаслик<br>■ Давлат чегараларининг дахлсизлиги<br>■ Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш<br>■ Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва ҳ.к | ■ Ўз чегарасидан четга чиқувчи зарарларга йўл қўймаслик<br>■ Биологик ресурсларни табиий тикланиш даражасида ишлатиш<br>■ Тупроқларнинг ишлаб чиқариш хусусиятини ер муҳофазаси деҳқончилиги асосида олиб бориш<br>■ Ер ресурсларини қайта ишлатиш ва қайта оборотлаш<br>■ Ўз давлати атроф-муҳитини муҳофазалаш мақсадида ҳар бир давлат ўз чегарасидаги, юрисдикциясидаги ва назоратидаги хўжалик фаолияти оқибатларини баҳолаб бориш<br>■ Ерларни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаш<br>■ Табиатга тиклаб бўлмайдиган фаолиятлардан ўзини тийиш<br>■ Ер курраси экотизимининг бир бутунлиги ва соғломлигини сақлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш мақсадида давлатларнинг глобал миқёсда ҳамкорлик қилиш ва ҳ.к. |

## *62-схема.* Хорижий давлатлар Ер ҳуқуқи манбаларининг тизими

***Ер ҳуқуқи манбаларининг тизими***

Турли давлат ва жамият қурилишидаги давлатларнинг Конституциялари ва бошқа асосий қонунлари

Халқаро ҳуқуқий нормалар

Федератив конституциявий қонунлар

Федератив қонунлар

Давлат раҳбарларининг фармонлари ва фармойишлари

Ижро этувчи давлат органларининг қарорлари, йўриқномалари, кўрсатмалари ва суд қарорлари

Федерация субъектлари ва бошқа маъмурий бўлинмаларнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

Махсус ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишдаги ёрдамчи қоида-меъёрлар

**Халқаро ҳуқуқ принциплари** – халқаро муносабатларнинг асосий муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этувчи ва кўпчилик халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан тан олинган қоида нормалари. Ушбу принциплар БМТ низомида, нуфузли универсал ва регионал анжуманларнинг декларация, ҳужжат ва хартияларида (Хедьсинки, 1975; Стокгольм, 1972; Стамбул, 2000 ва ҳ.к.) ўз аксини топган.

**Ер ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий нормалари** – халқаро-ҳуқуқий манбалар (шартнома, декларация, хартия, келишув, конвенция...)да акс этган миллий қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлган ерга оид халқаро муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар.

Эътироф этилган умумий халқаро-ҳуқуқий принцип ва нормалар кўпчилик давлатлар Конституцияларига мувофиқ уларнинг ерга оид ҳуқуқий тизим асосида ётади.

**Ислом (мусулмон) ҳуқуқи манбалари** – Қуръони каримдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Сунна, Тавсиф, Ижмо, Қиёс ва бошқа Ислом ҳуқуқи асоси бўлган манбаларда акс эт-

ган ва Ислом давлатлари фукароларининг ҳаракат қоидалари (принциплари) ва нормалари.

**Федерал конституциявий қонунлар** – федератив давлатлар Конституцияси асосида қабул қилинган ва уларнинг нормалари федератив тузилмаларнинг ҳаммаси учун тегишли бўлган қонунлар. Масалан, 1994 йил 21 июлда қабул қилинган Россия Федерациясининг "Конституциявий судлар тўғрисида"ги конституциявий қонуни.

**Ер ҳуқуқига оид федератив қонунлар** – федератив давлатларнинг Конституцияси асосида қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширувчи Федератив мажлислар томонидан қабул қилинган ва федерациялар субъектларининг Кенгаши томонидан тасдиқланган қонунлар. Ушбу қонунлар фақат қабул қилган федератив ҳудуд (республика, округ, вилоят, область, штат, ер ...) доирасидагина амал қилади холос. Масалан, 1992 йил 23 декабрда қабул қилинган "Россия Федерациясида фуқароларнинг ҳуқуқий мулки ва ер участкаларини шахсий ёрдамчи ва дала боғларни юргазиш, боғдорчилик ва якка тартибда уй-жой қуриш учун сотиб олиши тўғрисида"ги қонуни.

## 63-схема. Россия Федерациясида ерга бўлган мулк ҳуқуқи

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| РФда ЕРГА БЎЛГАН МУЛК ҲУҚУҚИ | ХУСУСИЙ МУЛК | Фуқаролар | - Якка тартибда<br>- Хиссадорлик<br>- Умумий биргаликдаги (шерикчилик) | Асосан қ/х, ёрдмачи, боғдорчилик юргазиш, уй-жой ва гараж қуриш учун ажратилган ерлар |
| | | Юридик шахслар | Жамоа, ширкат, ишлаб чиқариш, матлубот кооперацияси, жамоатчилик ва диний ташқилотлар ерлари, чет эл юрид. шахс. бундан мустасно | |
| | | Давлат | ■ Федерал | Умумий сиёсий, иқтисодий, экологик ва ўзга аҳамиятдаги ерлар |
| | | | ■ Федерация субъектлари | Республика ва областлар аҳамиятидаги ерлар |
| | | Муниципал | ■ Шаҳар | Шаҳарларнинг коммунал хўж. эҳтиёжларидаги ерлар |
| | | | ■ Қишлоқ поселкалари | Аҳоли пунктларининг коммунал ва қ/х эҳтиёжидаги ерлар |
| | | Биргаликдаги (аралаш) | Фуқаролар, давлат ва муниципал ҳуқуқларнинг аралаш ерлари | |
| | АШЁВИЙ ҲУҚУҚ | Фуқаролар ва жисмоний шахсларга | Деҳқон (фермер) хўжалиги учун умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш учун берилган ерлар | |
| | | Фуқаролар ва юридик шахсларга | Доимий (муддатсиз) фойдаланиш учун берилган ерлар | |
| | | юридик ва жисмоний шахслар, фукуроларга | Сервитут учун ажратилган ерлар | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **РФда ЕРГА БЎЛГАН МУЛК ҲУҚУҚИ** | ***ИЖАРА*** | Юридик ва жисмоний шахсларга | Шартнома асосида кенг мақсадли фойдаланиш учун берилган ерлар |
| | | Юридик ва жисмоний шахсларга | Шартнома асосида тор (функционал) фойдаланиш, яъни алоҳида бир ишларни бажариш учун берилган ерлар |
| | ***БОШҚА ШАРТНОМАВИЙ*** | Юридик ва жисмоний шахсларга | Тор лицензиявий характердаги маълум бир ишларни (мелиоратив, рекультивация, дезинфикация, қайта ишлаб чиқариш) бажариш учун берилган ерлар |

**Россия Федерацияси (РФ)да ерга бўлган мулкчилик** – ер фонди ва унинг участкаларига нисбатан эркин ҳукмронлик қилиш нуқтаи назаридан келиб чиқадиган маълум бир ижтимоий муносабат тури, яъни ер эгасининг ер фонди ёки унинг участкасини эгаллаш ва фойдаланиш ҳуқуқи. Россия Федерацияси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ ер *хусусий, давлат, федератив, муниципал* ва *бошқа шаклдаги* мулк эгасида бўлиши мумкин. Ер қонунчилигида ерга бўлган мулк икки турда – *индивидуал (шахсий)* ва *жамоа (коллектив)* бўлиши кўзда тутилган.

**Россия Федерациясининг ер фонди** – Россия Федерацияси юрисдикциясида бўлган ер тоифаларининг йиғиндиси. РФ халқаро ҳуқуқ субъектлари ичида энг катта ер фонди (1 млрд. 707,5 млн. га) майдонига эгадир. Унда қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар – 35,7% ни, ўрмон фонди ерлари - 56% ни, аҳоли пунктлари ерлари – 3,3% ни, саноат, транспорт, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – 0,8% ни, табиатни муҳофаза қилиш ва тарихий-маданий ерлар – 1,2% ни, сув фонди ерлари – 1,0% ни ташкил этади.

**Ерга бўлган хусусий мулк** – деҳқон (фермер) хўжалик, шахсий ёрдамчи хўжалик, боғдорчилик, чорвачилик, якка тартибда уй-жой қуриш, дача ва гаражлар қуриш, тадбиркорлик қилиш учун берилган фуқароларнинг ер участкаларига бўлган хусусий мулки.

**Ерга бўлган жамоа мулки** – ҳиссадорлик ва шерикчилик (умумий биргаликдаги) турдаги

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкалирга бўлган хусусий мулкчилиги.

**Ерга бўлган давлат мулки** – ер фонди ва унинг участкаларига бўлган давлат мулки. РФ ерга бўлган давлат мулки қуйидагилардан иборат: *федерал мулк* – умумсиёсий, умумиқтисодий, умумэкологик ва бошқа федерал миқёсдаги вазифаларни бажарувчи ерларга нисбатан давлат мулкчилигига; *РФ субъектларининг мулки* – автоном республика, область, округ, ўлка тасарруфидаги, лекин федерал, муниципал, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда фуқаролар мулки бўлмаган ерларга нисбатан мулкчилик.

**Ерга бўлган муниципал мулк** – шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари эҳтиёжларини қондириш учун РФ муниципалитетларига мулк сифатида берилган ер участкалари.

**Ерга бўлган биргалик (шерикчилик)даги мулк** – давлат, фуқуролар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкасига бўлган умумий мулк ҳуқуқи. Ушбу ер мулкчилиги бўлиш имконияти бўлмаган ер участкаларига нисбатан юзага келади. Масалан, деҳқон (фермер) хўжаликлари участкалари ва ишлаб чиқариш воситалари, унинг аъзоларининг умумий мулки бўлиб, ушбу мулк фуқаролик қонунчилигида ҳар бир қатнашчининг мулки аниқланган ёки аниқланмаган бўлиши мумкин.

**Уй-жой жамоа (кондоминиум)ларнинг ерга бўлган мулки** – мулк сифатида ёки ижара асосида уй эгалари ёки уй-жой эгалари жамоасига берилган кўп хонадонли уйлар ва уларнинг атрофидаги ер участкаларига бўлган ҳуқуқи.

**64-схема. Хорижда ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда давлат бошқаруви**



## *65-схема.* Ер низолари



***66-схема.*** **Ер низоларини кўриб чиқиш**



## *67-схема.* Антарктида ерларининг ҳуқуқий ҳолати

***Антарктида ерларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати***

*1959 й. Вашингтон шаҳрида қабул қилинган Антарктика тўғрисидаги консультатив шартномага мувофиқ*

Консультатив шартнома қатнашчилари – дунёнинг 24 давлати

Консультатив кенгаш томонидан бошқарилади

Антарктика ҳеч бир давлат юрисдикцияда ёки назоратида бўлмайди

Тинчлик мақсадида илмий изланишлар ва туризм олиб боришга рухсат берилади

$60^0$ жанубий кенгликдан жанубда ҳарбий мақсадларда фойдаланиш тақиқланади

Қитъанинг экотизимига салбий таъсир қилувчи ҳар қандай синовлар ўтказиш тақиқланади

БМТга аъзо давлатлар (жумладан, Ўзбекистон ҳам) Консультатив кенгаш аъзоси бўлиши мумкин

Консультатив кенгашга аъзо давлатлар қитъадан фойдаланишлари мумкин

Қитъа алоҳида бир ҳуқуқий ва сиёсий мақомга эга

Шартномага мувофиқ Антарктика ерларидан фойдаланиш тегишли экологик экспертизадан ўтилгандан сўнг рухсат берилади

## *68-схема.* Ривожланган мамлакатларда ерларни муҳофаза қилишнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий чоралари



**Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқи** – инсонларни яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун сайёрамиз ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи халқаро принцип ва нормалар йиғиндиси.

**Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқ принциплари** – инсонларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун сайёрамиз ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солишга йўналтирилган ва БМТнинг низоми, декларация, хартия ва халқаро конференция қарорларида акс эттирилган халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатларини бошқарув қоидалари. Ушбу халқаро ҳуқуқ принципларининг асосий қисми 1962 йил 18 декабрдаги "Иқтисодий ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш", 1982 йил 28 октябрдаги "Табиатни муҳофаза қилишнинг жаҳон хартияси"да кўрсатиб ўтилган.

**Антарктида** – сайёрамизнинг жанубий қутбидаги қитъа. Унинг умумий майдони 13975 минг км$^2$, яъни Европа қитъасидан катта бўлган материк. Антарктидада доимий яшовчи аҳоли йўқ. Доимо совуқ иқлим ($+1^0$ дан $-88{,}3^0$ гача) ҳукмронлик қилгани учун ҳам қуруқликнинг аксарият қисми доимий музликлар билан банд. Фақат ёз ойларида қуруқликнинг айрим қисми сийрак ўсимликлар билан қопланади ва ҳайвонот дунёсининг фаолияти бироз жадаллашади холос. Фойдали қазилмалардан – тошкўмир,

слюда, темир рудаси, мис, қўлом, цинк, графит ва бошқалар бор.

**Антарктида ерларининг ҳуқуқий ҳолати** – Антарктида ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш 1959 йил 1 декабрда Вашингтон шаҳрида қабул қилинган Антарктика (яъни қитъа ва унинг атрофидаги $60^0$ жанубий кенгликдан жанубда турувчи орол, архепелаг ва океанлар) тўғрисидаги халқаро шартнома асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тартибга солиш объектига нафақат қуруқлик, балки музликлар ва сув акваториялари ҳам киради. Ҳозирги кунда шартномага аъзо 24 мамлакат (10 таси доимий ва 14 таси консультатив) Антарктида ерларини ўзлаштириш ҳуқуқига эга. Лекин БМТга аъзо ҳамма давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам унга консультатив аъзоси бўлиб кириши мумкин. Антарктида ерлари алоҳида бир сиёсий ва ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, Вашингтон шартномасига мувофиқ ундан фойдаланиш фақат тинчлик мақсадларидагина (илмий изланишлар олиб бориш ва туризм) амалга оширилиши мумкин.

Ушбу қитъа ерларидан фойдаланаётган давлатлар фаолияти консультатив кенгаш инспекция (назоратчи)лари томонидан назорат қилиб борилади. $60^0$ жанубий кенгликдан жанубдаги Антакртида ерларидан ва сув акваторияларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш ҳамда ҳар қандай турдаги қуролларни синаш тақиқланади.

### *69-схема.* Рифожланган мамлакатларда ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик

***Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари***

| *Умумий* | *Махсус* |
|---|---|
| Интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ бўлган жавобгарлик | Ерларни ягона экологик тизимда туриш хусусиятини инобатга олган ҳолдаги жавобгарлик |
| ♦ Интизомий<br>♦ Маъмурий<br>♦ Жиноий<br>♦ Фуқаровий (моддий ва маънавий) | Ер-ҳуқуқий |

***Юридик жавобгарлик нормаларини қўллаш тартиби***

- Ҳуқуқбузарликни аниқлаш
- Ҳуқуқбузарликларни ҳужжатлаштириш
- Расмийлаштирилган далиллар бўйича иш қўзғатиш
- Қўзғатилган ишни тергов қилиш
